

АБУ НАСР  
ФОРОБИЙ

# Шеър санъати



Ғафур Ғулом  
номидаги Адабиёт  
ва санъат нашриёти  
Тошкент - 1979

**АБУ НАСР  
ФОРОБИЙ**

**Шеър  
санъати**

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИАТИ  
ТОШКЕНТ — 1979**

*Арабчадан таржима, изоҳ ва  
муқаддималар муаллифи  
Абдусодиқ Ирисов*

Жамоатчи редактор  
Б. Ҳасанов

**Форобий Абу Наср.**

Шеър санъати. Арабчадан таржима, изоҳ ва муқаддималар муаллифи А. Ирисов.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 С.—68 б.

Ўрта осийлик буюк олим Абу Наср Форобий ўз илми ва турли фанлар бўйича ёзган асарлари билан жаҳон фани ривожига катта ҳисса қўшган. Жумладан унинг шеър санъати ҳақидаги асари ханузгача ўз қимматини йўқотмаган. Бу асар ўзбек тилида биринчи марта нашр қилинмоқда.

**Фараби Абу Наср. «О поэзии».**

8 И (араб)

Ф  $\frac{70304 - 13}{352 (06) - 79}$  113 — 79.

© Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979 й. (Тарж.)

## МУҚАДДИМА

Буюк файласуф Абу Наср Форобий китоблари рўй-хатида унинг адабиётшуносликка оид баъзи бир асарларининг номи ҳам зикр этилган. Лекин булар муаллифнинг бошқа кўпгина асарлари қатори тарих элагидан ўтиб, давримизгача етиб келмаган.

Қувонарли томони шуки, кейинги йилларда маданият тарихи ишқибозлари Форобий каби буюк олимларнинг илмий мерослари топилгани ҳақида матбуот орқали жамоатчиликни хабардор қилиб туришибди. Натижада шу топилдиқлар тезда кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қиладиган ва ниҳоят ундан бу соҳанинг мухлислари баҳраманд бўлишга улгурадиган ҳам бўлиб қолди. Мана шундай мерослардан бири Форобийнинг араб тилида ёзилган «Китоб аш-шеър», яъни «Шеър китоби» асаридир.

Форобийнинг бу асари ҳажм жиҳатдан анчагина кичик, ҳатто уни рисола деса ҳам бўлади. Балки бу асар дастлаб катта ҳажмда ёзилган бўлиб, кейинчалик маълум сабабларга кўра қисқарган ва шу қўлёзмадаги нусха ҳолатида бизгача етиб келган бўлиши ҳам мумкин. Лекин биз «борига барака» қабилида иш юритиб асарни шу ҳолатда эълон қилиш ниятидамиз. Форобийнинг «Шеър китоби» асарининг қўлёзма нусхаси ҳозир Братислава (Чехословакия) университети кутубхонасида сақланмоқда<sup>1</sup>. Шунинг ҳам айтиш керакки, Форобийнинг бу асари алоҳида китоб ҳолида сақланмаган, балки файласуфнинг мантиққа оид бошқа асарлари қаторида тематик жиҳатдан бир китоб му-

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда университетда сақланаётган араб, турк ва форс тилидаги қўлёзма асарлари каталогига мурожаат этиш мумкин. Братислава, 1961, 181—188-бетлар.

қовасига кирган. Форобийнинг шу қўлёзмага кирган мантиққа оид асарлари ўн икки қисмдан иборат бўлиб, мантиққа кириш, мантиқ санъати, категория, ибора, қиёс, таҳлил, софистика, бурҳон-исбот, жадал-диалектика, хитоба-риторика, ниҳоят — ўн иккинчи бўлим — «Китоб аш-шеър» (яъни «Шеър китоби») дир.

«Шеър китоби»нинг қўлёзмаси ҳақида Братиславада сақланаётган Шарқ қўлёзмалари каталогда қисқача тавсиф ҳам берилган. Шу каталогда тавсифланишича, Форобийнинг бу асари мазкур мантиққа оид қўлёзманинг 271<sup>б</sup> варағидан бошланиб, 274<sup>а</sup> варағида тугайди. Каталогда бу асарнинг аввали ва охирида келадиган сўзлар ҳам келтирилган.

Қўлёзманинг 274<sup>а</sup> варағида мана бу сўзлар ёзилган: «Шу билан худо раҳмат қилгур Абу Наср Форобийнинг барча китоблари<sup>1</sup> тугади. Энди ақлни ато қилувчига ғоят даражада ҳамд-мақтовлар, бениҳоят даражада шукрлар бўлсин. Бу китоб парвардигор авфига энг муҳтож бўлган қул бўлмиш Аҳмад ибн Али аш-Шомий қўли ва амирнинг лутфи билан тугади. Бу тарих 1116 йилнинг энг машҳур ойи бўлмиш — хайрли сафар ойининг ўн саккизида шанба куни тонг пайтида Қўстантинияда бажарилди».

1116 йилнинг 18-сафарини ҳозир жорий бўлган милодий йилга кўчирсак — 1704 йил 22 июнь кунига тўғри келади, қўлёзма кўчирилган жой Константинополь, ҳозирги Истамбул шаҳри бўлган.

Братислава қўлёзмасидан олинган фотокопиянинг бир нусхаси Форобийшунос — файласуф Музаффар Хайруллаевнинг шахсий кутубхонасида сақланади. Бу муҳтарам олимнинг лутфан қилган марҳаматлари билан ўша фотонусхани кўришга муяссар бўлдик, натижада, «Китоб аш-шеър»нинг арабча матн-текстидан қилинган қўлингиздаги ушбу таржимамизни диққат-этиборингизга ҳавола қилишга муяссар бўлдик.

Бу ерда шунини айтиш керакки, файласуф Форобий ўткир мантиқшунос олим бўлган. Шу жиҳатдан қараганимизда, унинг барча фикр-мулоҳазалари мантиқ истилоҳларида битилганлиги маълум бўлади, ўрта аср файласуфлари талқинида эса шеърят мантиқ бобида келган ва унинг бир бўлаги сифатида мулоҳаза юри-

---

<sup>1</sup> «Барча китоб» деганда ўша мажмуада мавжуд бўлган мантиққа оид Форобий асарлари назарда тутилади. «Шеър китоби» эса шу мажмуанинг энг сўнггидадир.

тилган. Масалан, Ибн Синонинг «Шеър санъати» (поэтика) асари унинг «Китоб аш-шифо» асарининг мантиқ бўлими тўққизинчи фан қисмида келади. Шунинг учун ҳам файласуфнинг фикр-мулоҳазаларини баъзи ўринларда ўқиб олиш ўнғай бўлмаслигини ҳам назарда тутмоқ керак.

Форобийнинг бошқа бир рисоласи «Шоирлар санъати қонунлари ҳақида» деб аталади. Бу асарнинг асл қўлёзмаси Лондондаги «Индиан офис» (ҳинд девони) кутубхонасида сақланади. Уни шарқшунос Артур Арберри 1937 йилда нашр эттирган.

1963 йили араб олими Абдурахмон Бадавий Аристотелнинг «Поэтика» асарининг қадимий ва ҳозирги арабча таржимаси билан бирга Форобийнинг «Шоирлар санъати қонунлари ҳақида рисола» деган асарини ҳам нашр эттирди. Бадавий нашри матнининг аввалги бетида «рисола» дейилса, иккинчи бетида «мақола» дейилган. Яна Бадавий Аристотелнинг «Поэтика»си таъсирида ёзилган асарлар қаторида Форобийнинг юқорида зикр этилган асари билан бирга, Ибн Сино ва Ибн Рўшдларнинг ҳам бу соҳада ёзган асарларини нашр эттирган. Форобийнинг бу асари китобнинг 147—158-бетларида келган. У ерда келтирилишича, бу асарнинг биринчи ношири Арберри унга ўн битта таълиқ-изоҳ ёзган. У ўз изоҳларининг бирида бу асарнинг сарлавҳасида ёзилган «Шуаро», «Шоирлар» сўзи ўрнига «аш-шеър» сўзини қўйиб ўқишни тавсия қилган. Бу тавсия билан Форобий асари номини таржима қилсак, «Шеър санъати қонунлари ҳақида рисола» деган маъно чиқади. Лекин Бадавий бу асарнинг номини қўлёзмада қандай битилган бўлса, ўшандай олишни лозим топган. Биз ҳам шу йўлдан бориб, қўлёзмада ёзилганича олдик, Форобий ўзининг бу асарида юнон адабиётидаги шеър турлари ва унинг жанрларига ҳам тўхталиб ўтган. Бу билан муаллиф ўз даврининг адабиёт мухлисларини юнон адабиёти билан таништирмоқчи ҳам бўлган. Аммо биз бу ерда Форобий асарларини таҳлил қилиб ўтирмадик, фақат ўша Бадавий нашридан қилган таржимамазни тақдим қилиш билан кифояландик, холос. Бу тўғрида мулоҳаза юритиш муҳтарам китобхонларнинг ўзларига ҳавола қилинади. Таржимада қавсга олинган рақамлар ўша асар қўлёзмаси нашр этилган китоб бетларини ифодалайди.

Форобийнинг «Китоб аш-шеър» асаридаги унинг ил

мий қарашларини олимнинг ҳаёт йўли ва фаолиятисиз англаш анча қийин бўлиши табиийдир. Шунинг учун биз китобчага Форобийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам қисқача маълумот берувчи бўлим киритдик. Китоб сўнгида эса ўрта аср араб муаллифи Ибн Аби Усайба (1203—1270) китобидан Форобий ҳақида ёзилганларнинг арабча таржимасини келтирдик. Бу маълумотлар ва у ерда келтирилган Форобий асарлари рўйхати бу муҳтарам зот ҳақидаги тасаввуримизни бирмунча кенгайтиришга хизмат қилади.

Бордию Абу Наср Форобийдек улуғ зот фикр-андишаларини ўз маромига етказиш азмида, бир оз бўлса-да, чекинган ва саҳву ғалатга йўл қўйган бўлсак, у ҳолда муҳтарам китобхонлар таржимонни авф этарлар деган умиддамиз; Сўз келганда шунини ҳам айтиб қўймоқчимизки, йўл қўйилган бу саҳвлар бизга қайси йўсинда билдирилмасин, барини миннатдорчилик билан қабул этишга шаймиз.

**Абдусодиқ ИРИСОВ**

## МУАЛЛИМИ СОНИИ

Абу Наср Форобий Урта Осиёдан чиққан буюк фан арбобларидан саналади. Урта аср фан ва маданиятига улкан ҳисса қўшган бу олим билим-маърифатнинг кўп соҳаларини эгаллаган ва ўзидан кейин салмоқли мерос қолдирган. Форобий математика ва астрономия, табобат ва музика, мантиқ ва фалсафа, тилшунослик ва адабиёт соҳаларида қалам тебратган, бу соҳаларнинг ҳар бирида ажойиб асарлар яратган.

Форобий фалсафа тарихида йирик мантиқшунос, файласуф сифатида машҳурдир, унинг таржимаи ҳоли ҳақида медицина тарихига оид китоб ёзган араб олими Ибн Аби Усайбиа (1203 — 1270) Форобий ҳақида бундай деб ёзади:

«Абу Наср Форобий бир қанча вақт Бағдодда яшадди, кейин Шом (Сурия)га кўчиб келиб, умрининг охирига қадар шу ерда туриб қолади. Раҳматлик етук файласуфлардан, фозил донишмандлардан эди, ҳикмат-фалсафага оид фаиларни мукамал биларди. Риёзиёт-математика, астрономия илмларига моҳир, покиза, йирик аллома киши эди. Мол-дунё билан ҳеч иши йўқ эди: «ўлмас овқат»га чидаб яшайдиган серқаноат одам эди. Унинг феъл-атвори худди қадимги файласуф-ҳакимлар одобига ўхшарди.

Абу Наср Форобий тиб илмидан ҳам дурустгина хабардор эди. Бу илмга оид назарияни яхши биларди. Аммо амалий тажриба қисмини унча чуқур билмасди».

Ибн Аби Усайбианинг отаси кўз табиби бўлган экан, ўғли ҳам бу касбни эгаллаб, кейин асар ёзишга рағбат қилган, натижада тўрт юз табибнинг таржимаи ҳолини тўплаб асар ёзганида, улар ичида Шом-Сурия табиби сифатида Форобийни ҳам эслаб, у ҳақда ўзигача етиб келган маълумотларни бериб ўтган.



Чиндан ҳам Форобийнинг медицинага оид «Гален қарашларига қарши ёзилган раддия китоби», «Тирик мавжудот аъзолари ҳақида», «Қувват ҳақидаги китобга тушунтирув» каби асарлари бўлган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб фондида Форобийнинг медицинага оид учта асарининг қўлёзмаси (номлари бир оз бошқачароқ тарзда) сақланади. Булар институт фондидаги нодир қўлёзма ҳисобланган 2385 рақамли «Расоил ал-ҳукамо» («Ҳақимлар рисоалари») деган тўпламдадир.

Форобий дастлаб қадимий фалсафа фани билан танишар экан, аввало Аристотель асарларини кўпроқ мутолаа қилган ва бу соҳани у жуда ҳам мукаммал эгаллаб олган.

Ҳақиқатан ҳам қадимги юнон файласуфи Аристотель жаҳон фани ва маданияти тарихида салмоқли ўрин олган буюк мутафаккир эди. Унинг асарлари ўрта асрларда Шарқ тилларига таржима қилиниб, кенг кўламда ўрганилар эди. Лекин Аристотелдан кейин фалсафа уфқида, хусусан, Шарқда Форобийчалик улкан зот майдонга чиқмади. Форобий ўз билими, маърифати, фикр доирасининг кенглиги билан Шарқда шу даражада шуҳратга эришдики, оқибатда, уни Аристотелдан кейинги йирик мутафаккир — «Муаллими соний» — «Иккинчи муаллим» деб атай бошлашди. Шу билан «Иккинчи муаллим» унвони Форобий номига сифат тариқасида қўшиб ёзила бошлади.

Форобий йирик маърифатпарвар эди. У умр бўйи илм ахтарди, билим ўрганди. Форобийнинг ўз ибораси билан айтганда, «бўшаб қолган диёрлар, одамлар сўзларидан мева териб юрди». Унинг фикр доирасига ўзи туғилиб-ўсган (у 873 йилда туғилган эди) юрти—Фороб шаҳридаги билим етарли бўлмади, ўша даврдаги Ўрта Осиё ўлкалари унинг билимга бўлган ташналигини қондиrolмади, билим-маърифат излаб Ироқ ўлкасига сафар қилди. Уша даврдаги ҳашаматли, тевақатрофдан олимларни, билим-маърифат эгаси бўлмиш донишмандларни ўзига жалб қилган Бағдодда Форобий қўним тошди. Бу ерда у араб тили ва адабиётини, мантиқ ва фалсафани ўрганди. Лекин Форобий билим ахтаришда ҳормас-толмас кишилардан эди. У ўша пайтларда Шомнинг шимолида жойлашган Харрон шаҳрида Кўдонно ибн Хиллон деган мантиқ илмига уста христиан олими билан дўст бўлиб ўшган эди. Бу олим

Аристотелдан қолган фалсафий системани ўз даври-нинг энг йирик олимларидан ўрганган экан. Форобий ўша даврдаги мусулмон фарзанди фақат мусулмондан таълим олиши керак, деган ақидани тарқ этиб, «ғайри-дин»лардан ҳам илм ўрганишдан тоймади. Кейин у Шом, Миср ўлкаларига юзланди, бу ерларда у файласуф сифатида жуда катта обрў қозонди, мударрислик қилиб шогирдлар орттирди. Тарихчиларнинг ёзишича, Форобий доимо ўз шогирдлари даврасида бўлар ва уларнинг йиғинларида қатнашиб турар экан. Шунингдек унинг олдига навбатма-навбат илм аҳли ҳам келиб турар экан. Тарихчиларнинг хабар беришларига қараганда Дамашқнинг ўзида Форобийдан таълим олувчилар сони ўн мингга етган. Форобий мантиқ соҳасида ҳам анчагина тер тўккан. Ибн ал-Қифтий (1172—1248) деган араб олимнинг сўзига қараганда, Форобий «Мантиққа оид китобларни тадқиқ ва шарҳлашда кўп иш қилган. Мантиқнинг қийин жойларини ойдинлаштирган, кўпчиликка номаълум бўлган яширин сирларини очган ва ундан фойдаланишни осонлаштирган».

Ўша давргача мантиқни ўқиш ва ўқитиш усуллари анчагина мураккаб бўлган экан. Бу борада Форобий мутолаачиларга мантиқ илмини ўрганишни осонлаштиришга бел боғлаб анчагина муваффақиятларга эришган.

Юқорида зикр қилинган араб олими Ибн ал-Қифтий бу тўғрида шундай деб ёзади: «Форобий ўз асарларида мантиқдан фойдаланиш учун тушунарли иборалар, нозик ишоралар қўллади, ҳатто мантиқда шарҳлаш, ўргатиш ва таҳлил қилишдаги ал-Қиндий ва бошқа олимлар йўл қўйган бепарволикларни ҳам кўрсатиб ўтди... Шундай бўлгани учун ҳам Форобий китоби бу фан соҳасида ғоят етук, ниҳоятда ягона саналадиган бўлди».

Форобий шуғулланган ҳар бир соҳа, у ёзган асар ўрта асрларда олимлар таҳсинига сазовор бўлган.

«Абу Наср Форобийнинг «Иҳсо ал-улум ва ат-таъриф» («Илмлар саноғи ва уларнинг таърифлари») деган қутлуғ китоби бор, — дейди Ибн ал-Қифтий — Бундай асарни ёзишда шу пайтгача Абу Насрдан ҳеч ким ўзиб кетолмаган, ҳатто бу хил фикр-мулоҳазаларни унганча ҳеч ким айта олмаган, у киши етишган даражага эриша олмаган ҳам; толиби илмларнинг ҳаммаси ҳам унинг бу тутган тўғри йўлидан фойдаланмай қолмаган».

Фаробий ўша даврда фалсафа фани, Афлотун ва Аристотель ғояларини, улар қолдирган фалсафий меросни ўрганган. Бу ҳақда Ибн ал-Қифтий маълумот бериб кетади. Бу олим XII асрнинг охири XIII асрнинг бошларида яшаган бўлгани учун унинг мулоҳазалари диққатга сазовордир. Шу боисдан сўзни яна ўша Ибн ал-Қифтийга берамиз, У айтади:

«Абу Наср Фаробийнинг Афлотун ва Аристотель фалсафасига бағишланган китоби унинг фалсафа соҳасида пешқадам бўлганлигидан далолат беради. Бу китоб илми ҳикматнинг назарий йўллариини ўрганишда жуда катта дастуриламал бўлди ва у орқали муаллиф барча илм сирлари ва унинг натижаларини алоҳида-алоҳида эгаллаш йўллариини билдирди; илмлар қандай қилиб соддаликдан мураккаблик даражасига ўсиб-ривожланаётганини баён қилди. Кейин шу восита билан Афлотун фалсафасидаги ғояларни тушунтиришга киришди, бу ерда у унинг таърифларини бир-бир санаб ўтди. Кейин шу йўсинда Аристотель фалсафасини изоҳлашни давом эттирди; унга каттагина муқаддима ёзди ва тадрижий равишда унинг фалсафасини баён қилиб берди. Ундан сўнгра Аристотелнинг мантиқ ва табиётга оид асарларидаги ғояларининг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида китоб ёзиб, уларни тавсифлаб тушунтириб берди...

Мен фалсафани ўрганувчилар учун ундан фойдалироқ бирор китоб борлигини билмайман. Бу асар барча илмларга муштарак бўлган ҳамда у орқали билинган илмларнинг ўзига хос маъноларини ҳам кўрсатади. Олдинлари мантиқдаги мақулот-категория маънолари, уларни нимадан иборат экани тушуниб бўлмас даражада эди; қандай қилиб у маънолар барча илмларга дастлабки асос бўлиши мумкинлигини худди мана шу Фаробий асарларидангина аниқлаб олинадиган бўлди».

Фаробий ўрта асрларда ҳам олимлар ичтнда шундай мўътабар зот, уларга буюк устоз эди. У биргина фалсафа ва мантиқдагини шухрат қозониб қолмади. Улур мутафаккирнинг юз олтинилан ортиқ асарининг чорак қисминини бизгача етиб келган, ҳодос. Ҳозир Фаробий борасидан ялтинилан таътиримизнинг ҳаммаси унинг ўша олтинча етиб келган салкам қирқта асари дарада биттирилявган мулоҳазалардир. Лекин шунинг ҳам ялтинилан, Фаробий дунюлик олимларга ин баган ол кимбатая ҳабо ёширинлардан саналади.

Шунга қарамай у йирик асарлар таълиф қилишга муваффақ бўлган.

Тарихчиларнинг нақл қилишича, Форобий Дамашқнинг бир боғида қоровуллик қилиб кун кўрар, камбағаллигидан ўша қоровуллик учун берилган чироқни ёқиб, китобни мутолаа қилар ё бўлмаса, таълиф билан машғул бўлар экан.

Форобийнинг яна ажойиб ишларидан бири музика соҳасида ёзган асарларидир. Маълум бўлишича, Форобий ёшлигидан бошлаб музикага берилган, ўша пайтларда ўрта Осиёда мавжуд бўлган музика асбобларини яхши чала билган. Шу билан бирга у музика назариясини ҳам мукамал эгаллаган. Абу Наср Форобийнинг асарлари рўяхатида унинг бу соҳага онд бир қанча асарларини кўрамиз. Чунончи, Форобий «Музика китоби», «Ритмлар ҳақида китоб», «Катта музика китоби», «Ритмлар классификацияси ҳақида китоб», «Музика ҳақида сўз», «Ритмга қўшимча қилинган сўз» каби асарлар ёзган.

Тарихчи Ибн Аби Усайбианинг ҳикоя қилишича, «Форобий ажойиб бир музика асбоби ясаган, ундан жуда ҳам гўзал, ёқимли куйлар эшитиш мумкин экан, ҳатто бу куй эшитувчини жуда ҳам завқлантириб юборар экан».

Форобийнинг музика соҳасида билимдон киши эканлигини ўша даврда тўқилган бир ҳикоядан ҳам билиш мумкин. Ҳикояда Форобий Шом амири саройига кириб, музика чалиб, у ердагиларни ухлатиб чиқиб кетади. Бу нақл ҳам Форобийнинг музика донишмандигина эмас, балки унинг уста ижрочиси ҳам бўлгани ҳақида ўша пайтларда пайдо бўлган ҳикоядир.

Форобийнинг катта хизматларидан яна бири унинг идеал жамият ҳақидаги ўйлари ва бу ҳақда асарлар ёзилганидир.

Форобий бу борада бир неча асарлар таълиф қилган кўринади. Унинг «Фозила-идеал шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб», «Сиёсат ал-мадания» («Шаҳарлар устида сиёсат юргизиш») ва бошқа асарлари бўлган. Буларда Форобий олижаноб жамият, адолатли тузум, одил ҳукмдорлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилган. Ана шу асарнинг икки нусхаси Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу

Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб фондида сақланмоқда.

Ундан ташқари, бу институт фондида Форобийнинг анчагина қўлёзма асарлари сақланади. Форобийнинг институт даргоҳида сақланаётган қўлёзма китоблари ўн саккиз донадир. Булар орасида «Бахт-саодатга эришув ҳақида», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Масалалар булоғи», «Жисм ва акциденцияларининг бошланиши», «Ақл маънолари ҳақида рисола», «Яҳё ан-Наҳвийнинг Аристотелга билдирган раддиясига қарши ёзилган раддия», «Аристотелнинг «Метафизика» асари мақсадлари ҳақида» каби асарлари мавжуд. Булар Форобийнинг юз олтмишдан ортиқ асарларининг бизгача етиб келганларидан бир қисми, холос.

Буюк маърифатпарвар Форобий таваллудига 1100 йилдан ошди. Лекин шунча вақт ўтиши билан инсоният уни унутмади, мутафаккирнинг маърифат йўлида чеккан заҳмати, билим ва таълиф борасида қилган меҳнати юксак баҳоланди, унинг мероси авлодлари наздида қадр топа олди.

## ШЕЪР КИТОБИ

Биз шеъриятдан хабардор бўлган кўпгина халқларга қараганда араблар ўз шеърларида байтларнинг охирларига кўпроқ эътибор берадилар. Шунинг учун ҳам араб байтлари маълум бир ўлчовдаги маҳдуд сўзлар билан мукамал ва гўзал бўлади; бу ҳол эса уларда кам қўлланиладиган ё бўлмаса кўпчилик орасида машҳур бўлган сўзларни ишлатиш билан юз беради. Мазкур байтлардаги сўзлардан тушуниладиган маънолар ўша сўз бораётган нарса ва ҳодисаларга ўхшайдиган— тақлидий бўлмоғи керак.

Шуниси ҳам борки, унда ишлатиладиган иборалар ритмли, маълум бўлакларга ажратилган бўлиши керак; ҳатто ундаги ҳар бир ритм, туроқ, сабаб, ватадлар<sup>2</sup> сони ҳам чегараланиши зарур.

Шеърнинг ҳар бир вазнида қўлланиладиган сўз бўлаклари тартибининг ҳам муайян чегараси бўлади.

Шеър байтларининг ҳар бир бўлагидан вазн тартиби билан бошқа қисмдаги тартиб ҳамоҳанг бўлмоғи керак. Натижада мана шу юқоридаги шартларга риоя қилинар экан, унинг ҳар бир бўлаклари ўқилиш пайтида бир-бирига баробар вақтда ўқилади ва сил-

лиқ чиқади. Ҳар бир вазнда ишлатиладиган байт сўзларнинг ҳам маълум бир тартиби, чегараси бор. Бунда байт сўзларининг охирлари ҳам чекланган<sup>3</sup>: ё товушлар худди ўзидагидек ёки уни талаффуз қилганда баробар келадиган сўзлар бўлмоғи керак<sup>4</sup>.

Байтлардаги сўзлар ҳам гап нима ҳақда кетаётган бўлса, ўшанга ўхшатма тарзда ифодаланиши лозим<sup>5</sup>. Шу билан бирга байтларнинг бир-бирига ҳамоҳанг бўлиши ҳам талаб қилинади.

Баъзи халқларда олдин нағма—куй яратилиб, кейин унга ҳамоҳанг қилиб шеър боғлайдилар. Бунда шеърнинг бўлаклари куйга боғлангани нуқтаи назаридан худди баъзи бир ҳарф-товушларга ўхшаб қолади.

Бордию шеърнинг<sup>6</sup> маълум қисмига оҳанг боғланмай қолган бўлса, у ҳолда вазн бузилади. Бу худди шеърда ҳарфларнинг биронтаси тушиб қолган тақдирда вазннинг бузилганига ўхшаб кетади<sup>7</sup>.

Баъзи халқлар эса араблар шеърларни куйга солгани каби, ўз шеърларига куй басталамайдилар (272-а). Лекин шеър фақат бўғинлардангина тузилади, холос. Бу эса худди араб шеъриятидаги ҳолатга ўхшаб кетади. Бунда агар шеърга куй боғланса, оҳанг вазни — ритми шеър вазнига қарама-қарши келади. Шу билан куйга солинган сўз (яъни шеър)нинг вазни бузилади. Шунинг учун кимда-ким сўзга нағма — куй боғлар экан, шеърнинг баъзи бир сўзларида юз берганидай, вазн бузилишидан эҳтиёт бўлиши керак<sup>8</sup>.

Одамлар ва кўпчилик шоирлар тушунчасича, сўзлар маълум тартибли бўлакларга бў-

линиб, бу бўлаклар муайян ва баб-баравар мавзун-ваззли дейиш мумкин. Бунда бирор нарсага тақлид қилиб тўқилганми — масаланинг бу томони эътиборга майди. Шу билан бирга ўша шеър битилган тилда ишлатиладиган сўзларнинг ҳати<sup>9</sup> ҳам эътиборга олинмайди, бу машҳур ва енгил бўлса бас, ўшанга эътибор берадилар<sup>10</sup>. Шеърда келган тилнинг кўпи — юқорида шартли равишда тилган томонларни ҳисобга олган шеърнинг охирида ишлатиладиган сўзлари билан баробар тугалланишини қилади<sup>11</sup>. Бу эса ё бир хил лардан иборат сўзлар бўлиши, иккаласи ҳам баб-баравар бир лаффуз этиладиган сўзлар<sup>12</sup> рак.

Аммо юнон шоири Хомер<sup>13</sup> феълидан маълум бўлишича, у ўз шеърлари баробар келишига риоя қилмаган.

Бордию сўзлар бирор нарсага тақлиддан ташкил топган бирор оҳанг билан вазнга са, ундай тизма сўзлар балки бундайлар юритилади, холос. Шу билан айтилган «шеърый сўзлар» маълум ваширилиб, шеърый бўлакларга айтилган сўзлар шеър бўла олади.

Қадимги шоирлар наздида ва унинг жавҳар-асоси шулардан бўлган:

Шеър бирор нарсага тақлид лардан ташкил топиши керак<sup>14</sup>.

Шеър маълум бўлакларга бўлинган



бу бўлаклар (олдинма-кетин) баб-баравар вақтда ўқиладиган бўлиши лозим. Шеър табиати—тузилишида бошқа қонун-қоидаларга риоя қилиш унчалик зарурий саналмаган, ваҳолонки, бу қонун-қоидаларга риоя қилишнинг ўзи шеърятни энг афзал ва улугвор бўлишига сабаб бўлган. Шеър тузилишида тутилмаган мана шу икки йўл фақат тақлид—ташбиҳ бўлишнигина эмас (272-б.), балки улар орқали тақлид қилиниши мумкин бўлган нарсаларни ҳам билишни тақозо қиладди.

Бундай қонун-қоидаларга риоя қилишнинг энг кичиги вазн масаласидир.

Хитоба — риторикада ҳам тақлидий нарсалар ишлатилади. Шуниси борки, бу хил нарсалар кўпчиликка жудаям яқин, аён ва машҳурдир. Балки шунинг учун ҳам нотиқларнинг кўпи табиатларида асли шеърый мулоҳаза юритиш қобилият бўла туриб, хитоба риторика талаб қилганидан ортиқроқ даражада тақлидни ишга солмоқчи бўлганлар ва шу билан хатога йўл қўйганлар. Аммо уларнинг бу мулоҳазаларига ҳеч ким ишониб қарамаган, балки аксинча уларнинг бу хил сўзлари кўпчилик назарида жуда муболағали хитоба (олди-қочди гап) сифатида қабул қилинган. Ваҳолонки, аслини олганда, уларнинг бу сўзлари шеърый мулоҳазаларнинг ўзигина бўлиб, нотиқлар бунда фақат хитоба йўлидан бормасдан, балки шеърый йўлга майл қўйган эдилар, холос.

Кўпчилик шоирлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини бошқаларда қаноат ҳосил бўладиган даражада ифодалашга қобилиятли бўладилар<sup>15</sup>. Улар ўзларининг ўша қониқарли муло-

ҳазаларини шеърӣ йўл билан ифода этганлар. Бунинг оқибатида булар кўпчилик наздида шеър билан битилгани учун уни шеърӣ асар сифатида қабул қилганлар, ваҳолонки, аслида у хитобий бир мулоҳаза бўлиб, ўша шоирларнинг шеърӣ йўлдан чекиниб, хитобий — риторик йўлга майл этганлари эди, холос.

Нотиқлар кўпинча ўз нутқларида мана шу икки ҳолатни жамлаган бўладилар<sup>16</sup>. Кўпчилик шоирларда ҳам аҳвол худди мана шунинг ўзи. Масалан, мавжуд шеър ва шеърӣ мулоҳазаларнинг ҳаммаси нима ҳақда сўз кетаётган бўлса, ўшаларга бориб тақаладиган нарсалардан тузилган бўлади. Нрсаларга тақлид этиш эса ҳам феъл билан, ҳам мулоҳазалар билдириш йўли билан амалга оширилади. Феъл билан юзага келадиган тақлид — ўхшатма икки тур бўлади: Уларнинг бири шуки, инсон ўз қўли билан бирор нарсага ўхшаган шаклни ясайди, чунончи, инсон биронинг тимсолини ишлаб, уни муайян бир кишига ёки бошқа бирор нарсага ўхшатмоқчи бўлади. Ёки бўлмаса инсон бирор бошқа одамнинг хатти-ҳаракатига ўхшаган ҳаракат қилади.

Сўз билан юзага келадиган тақлид — ўхшатма шундай, у ўша сўз бораётган ҳаракатлардан бирортасига ташбиҳ қилинган сўзлардан тузилган ё айтилган бўлиши керак. Бу сўзлар ўша нарсалар ташбиҳ қилинган ҳаракатларга ишора қилади ва ўша нарсалардан тузилган сўз сифатида хаёл ҳам қилинади (273-а) ва бу ҳаракат ё ўша нарсаларнинг ўзида ва ё бўлмаса бошқа нарсаларда бўлади, деб хаёл қилинади,

Шундай қилиб, сўз — мулоҳаза билан бўладиган тақлид — ташбиҳ ҳам икки турли бўлади: Бир турида тақлид ўша нарсанинг ўзида деб тасаввур қилинади. Иккинчиси эса бир нарсанинг борлигини бошқа нарса орқали кўз олдига келтирилади.

Бу ҳол илмий мулоҳаза юритилганда худди шундай бўлади. Буларнинг бирида нарсанинг ўзида ўзининг борлиги ҳақида маълумот беради, чунончи, айтайлик, таъриф: иккинчисида эса бир нарсанинг борлиги бошқа бир нарсанинг борлиги билан юзага келиши ҳақида маълумот беради. Масалан, айтайлик, бурҳон — исбот.

Демак, бундан маълум бўлишича, исботда илм, тортишувда иккиланиш, риторикада ишонтириш қанчалик аҳамиятли бўлса, шеърингда ҳам ҳаёл ва тасаввур шунчалик зарур бўлади. Ўзгаришда инсон феълли кўпроқ хаёл сурнишга боғлиқ бўлади. Бу шундайки, инсон бир нарсани бошқа бирор нарсада бор, деб тасаввур қилади. Бунинг натижасида у нарсаларнинг борлигини ҳис ва исбот тасдиқлагандагина унинг ўша нарсада борлигига ишониб, ўшандай қилиш мумкин. Ҳатто бу ишда унинг борлиги ёлғон бўлиб, фақат хаёл қилинган тақдирда ҳам, бу ҳаракат — феълли амалга оширади. Чунончи, одамлар айтишадигани-ку, агар киши бирор нарсага назар солса, у нарса унинг хуш кўрмайдиган нарсасига ўхшаган бўлса, у ҳолда унинг тасаввурида ўша заҳотиёқ бу нарсага нисбатан хуш кўрмаслик ҳисси пайдо бўлади. Шу билан ҳалиги киши у нарсадан ўзини авайлаб-асраб, четлашиб юришга уринади. Ваҳолонки, аслини олганда бу нарсанинг ўзи ўша хаёл қилин-

гандай ёмон нарса бўлмаслиги ҳам мумкин.

Мулоҳазалар ичида тақлид ишлатилган гапларни эшитган одамда ҳам худди шундай ҳолат пайдо бўлади. Бунда у бир нарсада бирор бошқа нарса тимсолини кўз олдига келтиради. Бу эса, ўз навбатида, у нарсани ўша киши илгари ўз кўзи билан кўрган бўлиши ва шунинг учун ҳам у нарсанинг тимсоли унинг кўз олдига келган бўлиши мумкин.

Бордию агар ўшанда у кишига бирор нарсанинг ўзини сўз билан тавсифлаб берилса борми, унда ўша сўз — мулоҳазаларда ўзи илгарилари тасаввур қилиб юрган бошқа нарсаларнинг тимсолини кўз олдига келтиради. Шу тариқа ўша сўз—мулоҳазаларда ишлатиладиган ҳар бир нарса ичида яхшилик ё ёмонлик, адолатсизлик ё тубанлик ва ё бўлмаса ҳалолликни тасаввур қилганига ўхшаб кетади. Шундай қилиб, инсоннинг феъл-атвори кўпроқ ўзининг хаёлларига боғлиқ бўлади. Булар, албатта, унинг билим ё андишасига боғлиқ бўлади. Аммо шуниси ҳам борки, кўпинча, унинг билим ва андишаси хаёлидаги нарсаларига тескари келиб ҳам қолади. Бундай пайтларда унинг феъл-атвори ўз билим ва андишасига кўра эмас, балки хаёлига кўра иш тутади.

Бас, шундай экан, хаёлга келган сўзлардан (273-б.) кузатилган мақсад ҳам эшитувчини унинг хаёлига келган нарсани қилишга ундашдан иборат бўлади. Унинг хаёлига келган нарса эса ё исталган нарсалардан бирига интилиш, ё бўлмаса ундан қочишдан, унга мойил бўлиб берилиш ва ё бўлмаса, уни ёмон

кўриш ё ундан ёмонлик ё яхшилик кутиш ка-  
би ишлардан иборат ҳис пайдо бўлади. Уша-  
нарсалардан унинг хаёлига келадиган нарса  
хоҳ тўғри бўлсин, хоҳ нотўғри бўлсин, унга  
бунинг фарқи йўқ. Шунда иш ҳақиқатан хаё-  
лига келган йўсинда бўлганмиди ёки хаёлига  
келгандек бўлмаганмиди, бунинг ҳам фарқи  
йўқ, масаланинг бу томонига қаралмайди.  
Бу худди бир киши ўзи бажараётган ишини  
бир нарсага тақлидан қилаётган бўлса, у  
баъзан ўша тақлид қилаётган нарсасининг  
айнан ўзини бажараётгандек бўлади.

Баъзан эса инсон ўзи тақлид қилаётган  
нарга тақлид қилаётган нарсанинг ўзини  
бажарган бўлади. Чунончи, у Эшматнинг<sup>17</sup>  
афт-ангорини акс эттирган ҳайкал тимсолини  
ишлаган бўлиши мумкин. Шу билан бирга у  
Эшматнинг тимсоли акс этадиган кўзгуни  
ҳам ясаган. Худди шунингдек, биз, эҳтимол,  
Эшматни танимаслигимиз ҳам мумкин, лекин  
биз унинг ишланган тимсолини кўриб, уни  
билиб оламиз. Биз бунда Эшматнинг ўзини  
шаклини эмас, балки унинг афт-ангорига тақ-  
лид қилинганини, (яъни ўхшатилоганини) кў-  
риб билиб олдик. Кўпинча, биз унинг тимсо-  
лини кўриб ўтирмаймиз, балки тимсоли шак-  
лини кўзгуда акс этиб турганини кўрамиз.  
Шунда биз уни ўхшатилаётганига ўхшаб қол-  
ганидан билиб оламиз. Бу ҳолда биз Эшмат  
шакли ҳақиқатини билиш борасида икки по-  
ғона узоқлашган бўламиз. Худди мана шу-  
нинг ўзи мулоҳазаларни тақлидга илаштира-  
диган томонлардан саналади.

Бу мулоҳазалар баъзан ўша нарсаларга  
ўхшаган нарсалардан тузилган бўлиши ҳам  
мумкин. Баъзан эса бу тузилган нарсалар-

нинг ўзи, ўз навбатида, унинг ўзига ўхшайдиган нарсалардан, бу ҳам ўз навбатида унинг ўзига ўхшаган нарсалардан ва у нарсаларга ўхшаган нарсалардан тузилган бўлиши ҳам мумкин.

Натижада тақлид — ўхшатиш борасида нарсалар аслидан бир неча поғона узоқлашади.

Ўша мулоҳазалар хусусида ҳосил қилинган нарсалар тасаввури мана шулардан иборат. Бу тасаввурларни қилишга эса мана шу каби қатор поғоналар илашиб келади.

Ҳар бир нарса бирор нарсага бевосита ўхшаган бўлгани учун у нарса тасаввур қилинади. Ёки бўлмаса бир ё икки нарса воситаси билан тасаввур қилинади. Бу эса ўхшатиш билан нарсаларга билдирилган мулоҳазага кўра бўлади. Кўпчилик одамлар аслига яқин бўлган нарсаларга тақлид қилишдан кўра аслидан узоқ бўлган нарсаларга бўлган тақлид — ташбиҳни энг мукамал ва афзал бўлади, деб ўйлашади. Уларнинг фикрича, бундай ҳолатда туриб мулоҳаза юритувчилар тақлид борасида ишловчилар орасида энг лаёқатли киши саналади, ундай киши бу санъат аҳлига жуда муносиб келади ва тақлидни ўз йўлига мослаб, улардан фойдаланади.

Китоб тамом<sup>18</sup>

## «ШЕЪР КИТОБИ»ГА ИЗОҲЛАРИ

1. Бу ерда «китоб» сўзи ҳозирги тушунчаниздаги китоб маъносида эмас, балки китобат қилинган — ёзилган нарса (том маъноси билан битик), рисола, мақола демакдир.

Бу асарнинг Братислава университети кутубхонасида сақланаётган қўлёзмаси Форобийнинг мантиққа оид бошқа асарлари мажмуасининг 271<sup>6</sup> varaғидан бошланади. Бундан кейинги varaқ рақамлари матнда қавс ичида келади ва рақам бошланган жойдан пасти шу varaққа мансубдир. Бу асар матни қўлёзма бўлгани учун унда бет эмас, балки varaқ бўлади. Одатда varaқнинг аввали ва орқаси бўлиб, илмий адабиётда бу «а» билан «б» varaққа ажратилади. Шунинг учун бу ерда varaқни билдирадиган рақамлар ёнида «а» ва «б» ҳарфлари ёзилган.

2. Арузда ҳаракатли икки бўғинли сўзлар сабаб (кўплиги асбоб) уч бўғинлилар ватад (кўплиги автод) деб юритилади. Бу ерда «туроқ» ўрнида келган арабча «салоҳиёт» сўзи билан Форобий аруздаги «фосила»ни айтмоқчи бўлса керак.

3. Бунда Форобий шеър мисраларида ту-

роқ ортиб кетмаслигини назарда тутаётган бўлса керак.

4. Бу ерда Форобий шеърларнинг охири биринчи мисрада қандай келган бўлса, иккинчисида ҳам ўшандай келиши кераклигини айтмоқчи. Бу билан Форобий қофиядош сўзларни назарда тутаётган бўлса керак. Чунки бундай ҳолларда мисра охиридаги ҳарфлар, товушлар доимо бир хил келади, бунда айниқса охириги бўғинлар шундай бўлади. Лекин улардан олдинги бўғинлар ҳамонанг ҳарф ё сўзлардан иборат бўлади.

5. Бу ерда матнда муҳокий — тақлид қилиш, эргашиш деган маъно ҳам англашилади. Урта аср фалсафасида табиатдаги ҳар бир нарсанинг онгдаги акс таъсири, ифодасига тақлид деб қаралган. Ҳар бир файласуф ё шоир табиатда юз берган ҳодисаларнинг аксини, сурати-шаклини ифодалаган, демак, шу сабабдан у табиатдаги воқеаларга нисбатан тақлидчи ҳисобланган. Лекин бу ерда муаллиф адабиётдаги ташбиҳ-ўхшатишни айтмоқчи бўлади. Чунки ҳаётдаги ҳар бир воқеага адабиётда ўхшатма қилинсагина ажиб туюлади, яъни гўзал бўлади. Буни биз ҳозирги истилоҳимизда «образ» деб тушунамиз. Шундай дейилса Форобий талқини ифодалангандай бўлади. Зеро, адабиётни бадий образларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳар бир воқеа образ орқалигина ўқувчига бориб етади. Шу образлар ва образли тушунчалар орқали бошқа шу каби воқеаларни яхши тушунишимиз, жилла бўлмаса, уни кўз ўнгимизга келтира олишимиз ва ифодалашимиз мумкин. Инсон шу образлар орқали маълум



бир тушунчани қабул қилади ва у орқали тушуниш осон туюлади.

6. Матнда «ал-қавл» — «сўз» келган. Бу ерда музика тексти, яъни шеъри дейилмоқчи.

7. Бу ерда Форобий ҳижонинг бузилишига ишора қилмоқчи. Баъзан байтнинг аввалги мисраси билан кейингиси бир хил вазнда бўлмай, бир-биридан бир бўғин кам ё ортиқ бўлса, шеър ўқилганда, иккала мисранинг вазни бир-бирига мос тушмайди. Шунинг учун Форобийнинг «ҳарф» деган сўзини «товуш» ё «бўғин» деб олсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

8. Яъни муаллиф бу ерда бўғинларнинг ортиқ-кам бўлишига эътибор беришни айтяпти.

9. Матнда «фасиха» келган. Бу ерда муаллиф шеърларда ишлатиладиган фасоҳат ва балоғатни айтмоқчи. Шеърда гўзал, ўйноқи ва образли иборалар ишлатилса, унинг бадийлиги кучаяди.

10. Бу ерда Форобий шеърда ишлатиладиган сўзларнинг ҳаммага ҳам тушунарли бўлишини айтмоқчи бўлади. Шунинг учун у шеърда қўлланиладиган сўзларнинг ҳар бири кўпчилик билладиган ва уларга тушунарли бўлиши шарт, демоқчи. Бу билан шеърлардаги образли иборалар, ундаги ўхшатишлар, қочирриқлар, чўпчак, ҳикоя ё афсонага қилинадиган ишоралар ўша шеърни ўқийдиганларга тушунарли бўлиши керак. Шу нарсалар билан шеър фасоҳатли, гўзал бўлади, демоқчи.

11. Бу ерда муаллиф шеър қофияси, туроқларининг маълум бир вазнда келишини айтмоқчи. Бундан кейинги жумла ҳам шунга далолат қилади.

12. Матнда ҳуруф-ҳарфлар келган. Бу ерда муаллиф бўғинни айтмоқчи. Араб алифбосида, асосан, унли ҳарфлар ёзилмаган ҳандада ярим унлилар (бунда адабиётда қисқа унли деб аташади) илашиб келади, уларнинг борлиги тасаввур қилинади. Булар ёзувда ҳарф ости ё устида келади, ўқилишда ўша унсиздан олдин ё кейин ўқилади. Бу ҳарфлар ўз навбатида бўғин ролини ўйнайди. Байтларда бирон бўғин кам бўлса, байт вази бузилади.

13. Матнда Ўмериус, Хомериус, яъни Хомер — Гомер. Тахминан милоддан аввалги XII — X асрларда яшаган буюк юнон шоири, машҳур «Одиссия» ва «Илиада» дostonларининг муаллифи.

14. Буни «шеър бирор нарсага ўхшатишган (ё ташбиҳ қилинган) образли сўзлардан иборат бўлиши керак» деб тушунмоқ лозим.

15. Муаллиф бу ерда шоир сифатида эмас, балки уларнинг нотик сифатида фикр юритишини айтмоқчи.

16. Матнда Хутабо-хитоб қилувчи—нотиклар. Кўпчилик нотиклар даставвал нотик бўлишлари билан бирга шоир ҳам бўладилар, демоқчи.

17. Матнда Зайд келган. Арабларда Зайд билан Амр исмлари худди бизларда Эшмат-Тошмат сингари ишлатилади. Шунинг учун бу ерда ўзбек ўқувчиларига тушуниш қулайроқ бўлсин деб шундай олдик.

18. Шу ерда 274<sup>a</sup> варақ бошланади. Сўнгра уни кўчирувчи котиб ўзидан сўз қўшиб, китобнинг тугаганига ишора қилган. Шу билан бирга котиб бир неча асарлардан иборат бўл-

ган Форобий асарлари қўлёзмасининг тугаганини айтади. Бундан чиқди «Шеър китоби» рисоласи бу жилдга тушган Форобий асарларининг энг сунггиси экан.

Қўлёзма охирида котиб:

«Абу Насрнинг барча китоблари кучирилиши шу билан бутунлай ниҳоясига етди», деб ёзиб қўйган.

## ШОИРЛАР САНЪАТИ ҚОНУНЛАРИ ҲАҚИДА

Бу ерда (келтирилаётган) мулоҳазалардан<sup>1</sup> мақсадимиз ҳаким Аристотелнинг «Фиссиноат аш-шеър» («Шеър санъати» — «Поэтика») асарида айтган фикр-мулоҳазаларини исботлаб кўрсатишдан ва унинг маъноларига ишора қилишдан иборатдир. Зероки бу билан шеърӣ санъат ишқибозларининг барчасини таништириш ниятидамиз. Шуниси ҳам борки, ҳаким Аристотель ўзининг «Шеър санъати» («Поэтика»си) у ёқда турсин, ҳатто муғолата-софистика<sup>2</sup> ҳақида мулоҳазаларини ҳам мукамал баён қилиб улгурмаган эди. Шунинг учун бу борадаги гапларнинг ҳаммасини ипидан-игнасигача муфассал қилиб, тартиби билан битмоқчи ҳам эмасмиз. Чунки «Софистика санъати»<sup>3</sup> асарининг охириг жумлаларида Аристотель айтиб ўтган мулоҳазаларга қараганда, у бунинг сабабини аҳволни чинакамига ифодалаб бериш учун ўздан олдин ўтганларнинг асарларига қабул қиладиган, тартибга туширадиган ҳолда улар асосида янгиларини пайдо қиладиган бирор усул ва қонун-қоидалар тополмаганига йўйган (150-б.).

Ҳаким Аристотель ўзининг шундай фазила-

ти ва даҳоси билан тугатиб қўйишга жазм қилолмаган бир ишни биз ниҳоясига етказишга интилишимиздан кўра, бу санъатда фойда берадиган ва ҳозирги замонда учрайдиган қонун-қоидалар, мисол ва мулоҳазалар келтириш билан чеклансак яхшироқ бўлади.

Модамики шундай экан, биз деймизки, лафз — сўзлар ё бирор маънони билдиради ё билдирмаслиги ҳам мумкин; улар шу икки ҳолатнинг бирида бўлишдан ҳоли бўлмайди. Маънони билдирадиган сўзлар содда ва мураккаб бўлади. Мураккаб бўлган сўзлар бирор мулоҳазани ё англатади, ё англатмайди. Мулоҳазани англатадиганларининг қатъий жазмлилиги ва жазмсизи бўлади. Қатъийлари ё тўғри, ё ёлғон бўлади. Ёлғонларидан баъзилари эшитувчилар зеҳнига уни англатганига маъно билан бирга ўрнашиб қолади, ваҳодонки бошқалари эса унинг онгида нарсаларининг ўхшашини — акс<sup>4</sup> билан ўрнашиб қолади. Мана шу нарса тақлидлар — шеърини мулоҳазалар саналади.

Мана шу акс ўхшашликларнинг баъзилари ёниг мукаммал бўлади, бошқалари нуқсонли бўлади. Уларнинг мукаммаллигини, ё нуқсонли эканини аниқлаш шоирлар ва турли-туман тил ва лугатлардаги шеърини ўрганаётган маърифат аҳлининг фикр доирасига киради. Лекин бундан ҳеч ким софистика билан акс тақлид икковини бир сўз деб ўйламасин. Булар иккови ҳам баъзи сабабларга кўра бир-биридан бутунлай фарқ қилади.

Софистнинг мақсади билан тақлидчининг мақсади турлича, бир-биридан фарқ қилади. Софист эшитувчини ғалатга ундаб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган нуқсонли нарсаларни

кўз олдига келтириб қўяди. Ҳатто у мавжуд нарсани номавжуд деб, номавжуд нарсаларга эса мавжуд деб тасаввур қилдиради.

Аммо тақлидчи бўлса нарса тасаввурининг тескарисини эмас, балки унга ўхшашини тасаввур қилдиради. Бунга ўхшаш нарсалар ҳисда ҳам учрайди. Бу шундайки, ўз жойида жим турган киши шундай ҳолатга тушса, гўё ҳаракат қилаётгандай бўлади. Масалан, кемага минган киши кемадан тушиб қирғоқда қолганларга қараса, ёки ёз чоғида осмондаги ой ва юлдузларга тез юраётган булутлар ортидан қаралса шундай бўлади (151-б.). Бундай ҳол одамларнинг ҳисларини чалғитади.

Аммо кўзгуга ёки ялтироқ-силлиқ жисмга қараган кишининг ҳоли ҳам худди шундай бўлади, унга назар ташлаб, ўша нарсаларга ўхшаш нарсани кўраётгандай туюлади, мулоҳазалар бошқа қисмларга ҳам бўлиниши мумкин. Биз сенга айтсак, бу шулардан иборат: мулоҳаза ё қатъий, ё қатъий эмасликдан ҳоли бўлмайди. Бордию агар у қиёсий бўлса, у ҳолда билқувва—унинг табиатидан бўлади, ё бўлмаса билфеъл—ҳаракатидан бўлади. Бордию, агар у унинг табиатидан бўлса, у ҳолда ё истиқро (индуктив) бўлади, ё бўлмаса мулоҳаза тамсилӣ (аналогия) билан бўлади. Тамсил эса кўпинча шеър санъатида ишлатилади. Бундан аён бўлишича, шеърӣ мулоҳаза тамсил-аналогияга киради.

Қиёслар ҳам, умуман олганда, мулоҳазалар ҳам бошқа турларга бўлиниши мумкин. Айтишларича, мулоҳазалар ё бутунлай рост ё бўлмаса бутунлай ёлғон бўлиши ҳам мумкин. Ё бунинг тескариси ёки тўғри ва ёлғон меъёрда баб-баравар бўлиши мумкин. Буткул рост

мулоҳаза, ҳеч сўзсиз, бурҳоний-исботли деб аталади. Бордию унинг бутунлай рост томони кўпроқ бўлса, у ҳолда у жадалий-диалектик бўлади. Бордию, рост ва ёлғон иккови баробардан бўлиб қолгудай бўлса, у ҳолда у хитобий-риторик бўлади. Рост бутунлай камайиб бораверса, у ҳолда суфастой—софистик бўлади, бутунлай ёлғон бўлса, у ҳолда уни, ҳеч шубҳасиз, шеърий деб аталади. Ушбу қисмларга бўлинишдан кўринишича, шеърий мулоҳаза на исботли, на диалектик, на хитобий-риторик ва на софистик эмасдирлар.

Шу билан бирга, у сулужисмус<sup>5</sup> — силлогизмга ёки унга қарам бўлган навларнинг бирига бориб тақалади, яъни «Қарам бўлган навлар» дейишимдан кўзлаган мақсадим истиқро-индукция, мисол-аналогия, фаросат-интуиция ва шунга ўхшаш нарсалар бўлиб, улар маъниқ — қувватида ўша қиёс — силлогизмнинг куч-қуввати бўлади.

Юқорида зикр қилиб ўтган нарсаларни тавсифлаб берганларимдан маълум бўлишича, эҳти бун шеърий мулоҳазаларнинг навларга қайли бўлинишини таърифлаб беришимиз керак.

Шеърий мулоҳазаларга келганда, биз сенга айтадик, бу навларга қараб турларга бўлинади, бу бўлмаси маъноларга қараб бўлинади.

Аммо навларга қараб бўлинишларга келганда шун айтиш керакки бундан бу ёғига мулоҳаза юритиш мусиқор — музикачи ва арузчиларга тегишлидир. Шу билан бирга, мулоҳазалар (яъни шеърий сўзлар) қайси тилда бўлгани ва музикачининг қайси тоифадан чиққанига боғлиқ.

Аммо шеърнинг маъносига қараб илмий томондан навларга тақсим қилинишига келсак, (152-б.) бу жиҳатлар ҳар бир халқ ва тоифадаги рамзларни билувчи ва шеърларни шарҳловчисига, уларнинг маъноларини назорат қилувчи ва ушаларга қараб улардан маълум хулосалар чиқарувчисига ҳавола қилинади. Бу худди ҳозирги замонамизда форс ва араб шеърияти олимларининг бу борада китоблар тасниф қилганига ўхшаб кетади. Улар шеърларни турли навларга, чунончи, ҳажвия (сатира), мадҳия, муфохара, луғз-топишмоқли шеър, кулгили (комик), газалиёт, васфий шеър ҳамда китобларда топилиши қийин бўлмаган бошқа навларга бўладилар. У ерда булар битилганлиги бизни бу ҳақда муфассал эслашимиз ва гапни чўзиб ўтиришимиздан қутқаради.

Келинглр, бошқа масалага ўтайлик. Асарлари бизгача етиб келган утмиш ва ҳозирги замон шоирларининг кўпчилиги шеърларнинг аҳволига қараб вазнларини аралаштириб юборганлар. Улар шеъриятда мавжуд бўлган навларнинг ҳар бирига, уларнинг мазмунига қараб махсус вазн белгилаб чиқмаганлар. Бу ҳолатдан фақат юнонларгина холи, ҳолос. Улар шеър навларининг ҳар бирига махсус вазн турларини белгилаганлар. Чунончи, мадҳиялар вазни ҳажвиялар вазнидан тамомила бошқача; ҳажвиялар вазни эса кулгили — комедиялар вазнидан бутунлай фарқ қилади. Бошқа вазнларнинг аҳволи ҳам худди шундай.

Аммо бошқа халқ ва тоифаларда, айтишларича, мадҳиялар, ҳажвиялар куйланадиган кўп вазнларда ҳам куйланади. Бунда ё бутун-



лай мадҳия вазнида ҳажвия айтилади, ёки бутунлай бўлмаса ҳам кўпроқ айтилади. Бунга улар чегарани худди юнонлар қўйгандек жуда ҳам қатъий қилиб қўйишмаган.

Биз бу ерда худди ҳаким Аристотель ўзининг шеър санъати ҳақидаги мулоҳазаларида санаб ўтганидек, юнонлар шеърлари турларини санаб ўтамиз; уларнинг ҳар бирининг навларига ишорат қилиб ўтамиз.

Энди биз сенга айтсак, юнон шеърляти мен қуйида санаб ўтадиган навларга<sup>6</sup> бўлинади. Улар шулардан иборат<sup>7</sup>: трагедия (трагүзиё), дифирамби (дисирамби), комедия (қумузия), ёмби (иёмбу), драма (драмото), эйнӣ, диаграмма<sup>8</sup> (диақрамма), сатира (сотуро) (153-б.), поэма<sup>9</sup>, эпос<sup>10</sup>, риторика (риторий), эфифоносоус<sup>11</sup> ва акустика<sup>12</sup>.

Аммо трагедияга келсак, у шеърнинг маълум бир нави бўлиб, унинг ўқиладиганини эшитган ё ўзи овозини чиқариб ўқиган киши ҳузур қилади. Трагедияларда бировларга мисол (ўртак) бўла оладиган яхшиликлар ва мақтанладиган феъл-атворлар зикр қилинади; бу вазнда шаҳарни бошқарувчи — ҳукмдорлар мадҳланади. Музикачилар подшоҳлар олдида шу трагедия вазнида куйлайдилар. Бордию, бирор подшоҳ ўлиб қолгудай бўлса, трагедия қисм—бўлақларига бошқа қўшимча нағмалар қўшиб, ўша ўлган подшоҳга атаб навҳа-марсиялар айтганлар.

Аммо дифирамбига келсак, у шеърятнинг бир тури бўлиб, унинг вазни трагедия вазнидан икки баробар катта бўлади. Унда яхшилик ва мақталадиган барча хулқ-атворлар, инсоний фазилатлар зикр этилади, дифирамбида маълум бир подшоҳ ё кишини мадҳ

этиш мақсад қилиб олинмайди, балки ундаги умумий яхшиликлар зикр қилинади.

Аммо комедияга келсак, бу шеърятнинг маълум бир тури бўлиб, унинг ҳам маълум вазни бўлади, унда ёмон феъл-атворлар зикр қилинади, одамлар, уларнинг ахлоқларида қораланадиган ва хуш кўрилмаган табиатлар ҳажв қилинади. Кўпинча унинг бўлакларига оҳанг-нағмалар қўшилиб, уларда ҳам қораланадиган хулқ-атворлар эсланади. Бу эсланган хулқ-атворларда инсон, ҳайвон ва икковига алоқадор бўлган хунук шакл-тим-соллар иштирок этади (154-б.).

Аммо ёмби ҳам шеърятнинг бир нави бўлиб, унинг ҳам ўзига хос маълум вазни бўлади, унда ҳам машҳур мулоҳазалар эсланади. Аммо куйланадиган нарсалар хушфеъл ҳам бўлиши мумкин, бадфеъл ҳам бўлиши мумкин — бунга бари бир, лекин шуниси борки, бу мисоли бир зарбулмасал — мақоллар каби машҳур бўлиши шарт. Шеърятнинг бу нави тортишув, уриш-жанжал, ғазаб ва ғижинган пайтларда ўқиладиган шеърларда ишлатилади.

Аммо драмага келсак, у ҳам худди юқорида келтирилганлар каби шеър турларидан бири саналади: фақат бунда маълум кишилар ва маълум шахслар тўғрисида машҳур бўлган масал ва нақллар<sup>13</sup> зикр қилинади.

Аммо эънийга келсак, бу ҳам шеърятнинг навларидан бири бўлиб, унда одамни хурсанд қиладиган мулоҳазалар зикр қилинади. Шуниси ҳам борки, булар ё маҳоратнинг зўрлигидан ва ё ғоятда гўзал битилганидан одамни хушнуд этади.

Аммо диаграммага келсак, бу ҳам шеъри-

ятнинг бир нави бўлиб, буни қонуншунослар инсон хулқини тузатиш ҳамда тарбиялаш мушкул бўлган тақдирда унда шеър битиб, кимки қонун-қоидага риоя қилмас экан, унинг оқибатида аянчли аҳволга тушади, деб қўрқитиш ва руҳини даҳшатга солиш учун ишлатиладилар.

Аммо эпика ва риторикага келсак, бу ҳам шеъриятнинг бир нави бўлиб, бунда илгарини ўтган сиёсий ва қонуний тартиб-қоидалар тавсиф қилинади. Шеъриятнинг бу навида подшоҳларнинг хулқ-атвори, у ҳақдаги хабарлар, унинг даври ва у билан боғлиқ бўлган воқеалар зикр қилинади.

Аммо сатирага келганда шунини айтиш керакки, бу ҳам шеъриятнинг бир нави бўлиб, унинг ўзига хос вазни бор. Бу навидаги шеърларни музикачи олимлар яратганлар. Улар ўз куйлари билан тўрт оёқли ҳайвон, думан олганда, ҳатто жамики ҳайвон зотларини ҳаракатга келтирадилар. Шунда бу ҳайвонлар ўзларининг табиий ҳаракатларидан бир оз четга чиққан бўлиб, (маълум қилиқ қилиб), одамларни таажжубга соладилар.

Аммо фиюмуто-поэмага келсак, бу шеъриятнинг бир нави бўлиб, бунда (бошқа навларга ўхшамаган ҳолда) яхшию ёмон, тўғрию эгри ҳар хил сифатлар куйланади, тасвирланади. Бу хилдаги ҳар бир шеър навларида гўзал ва яхши, қабиҳ ва разил ишлардан иборат бўлган воқеалар ифодаланади (155-б.).

Аммо эффижоносуосга келсак, бу ҳам шеъриятдаги навларнинг бир тури бўлиб, буни табиатшунос олимлар яратганлар. Улар бун-

да табиий илмларни тавсифлаганлар. Шеър санъатида энг узоқ саналган нав худди мана шу шеър нави ҳисобланади.

Аммо акустикага келсак, бу ҳам шеър навларининг бир тури бўлиб, бу нав орқали музика санъати ўргатилади. Бу тур шеър фақат шунгагина хос, холос, бошқа боб-ўринларда ундан фойдаланилмайди.

Юнон шеъриятини яхши билган кишилардан бизга етиб келган муфассал хабарларга кўра ва ҳаким Аристотелга нисбат берилган шеър санъати ҳақидаги мулоҳазаларида ҳамда Томастиюс (Темистий) билан икковидан ташқари юнон китобларини шарҳловчи қадимги олимлар асарларида юнон шеърияти турлари ва уларнинг мазмунлари ҳақида топган гапларимиз мана шулардан иборат. Биз уларнинг баъзи мулоҳазаларида топганларимизга қараганда, улар ўз таснифларининг охирида шу маъноларни улаб кетганлар. Биз уларни қандай учратган бўлсак, ўшандай ҳолда эслаб ўтамиз.

Энди биз сенга айтсак, шоирлар чиндан ҳам тугма қобилиятли ва шеър битишга тайёр табиатли кишилар бўлади ва уларда ташбиҳ ва тамсилга лаёқати яхши ишлайдиган бўлади. Бу хил шоирлар ё шеър навининг кўп турида, ё бўлмаса бир турида ижод қилишга лаёқатли бўладилар. Лекин бу хил шоирлар шеър санъатидан керак бўлганича хабардор бўлишавермайди, балки улар тугма қобилиятларининг яхшилиги билангина қаноат ҳосил қиладилар, уларнинг ўзлари мўлжалланган ҳозирликларига кўра иш тутадилар. Бундай шоирлар чинакам мусалжисмулоҳазакор шоирлардан саналмайдилар.

Чунки уларда шеър санъатини ўзлаштириб олиш учун камолот етишмайди ва бу санъатда турғунлик бўлмайди. Кимки ундай одамнинг шеърини кўриб, у қобилиятли одам экан, деб ўйлаган бўлса, бу шунинг учунки, унинг феъл-атворида шоирларга хос бўлган турқ-кўриниш мавжудлигидангина шундай мулоҳазага келинган (156-б.). Ё бўлмаса бу хил одамлар чинакамига шоирлар санъатини эгаллаган бўлишади, ҳатто шеър ижодига хос бўлган хусусиятлардан бирортаси ҳам — у қайси шеър турига алоқадор бўлмасин, барибир, бу қонун-қоидалар ундан қочиб қутулолмайди. Улар шеърят санъатида қўлланиладиган ташбиҳ ва тамсилларни жудаям маҳорат билан ишлатадилар. Бу хил шоирлар чиндан ҳам қобилиятли шоирлар дейишга сазовордирлар.

Ёки бўлажак шоирлар ўша юқорида айтиб ўтилган аввалги икки табақа шоирлар ва улар феълларига<sup>14</sup> тақлид қилувчилар бўладилар. Булар ўша аввалги иккала табақа шоирлар йўли — ижодини ёдлайдилар. Бу турдагиларнинг ўзларида туғма шеърый табиат бўлмаган ҳолда, шеърый санъат қонун-қоидаларидан хабардор бўлмай туриб, ташбиҳ — ўхшатиш ва тамсил кабилар кетидан борадилар. Йўлдан адашадиган ва тоядиган шоирларнинг кўпчилиги худди мана шу табақа шоирлар ичидан чиқади.

Энди биз сенга айтсак, ўша юқорида айтиб ўтганимиз уч тоифа шоирларнинг ҳар бири ижодда ё табиийлик, ё мажбурийликдан холи бўлмайди. Бундай дейишдан кўзлаган мақсадим шуки, бир шоир кўпинча мадҳияга ва ё бир яхши сўз айтишга табиатли бўлса, баъ-

Зан вазият ундан ҳажвий ва бошқа турда шеър айтишга ҳам мажбур қилиб қолади. Айтайлик, бир шоир шеърят навларининг маълум бир навида ижод қилиш санъатини танлаб олган ва ўзини шу хилдагина шеър ёзишга одатлантирган бўлса, баъзи ҳолларда танлаб олмаган турларда ҳам шеър ижод қилишга тўғри келади, бу эса унинг учун ўзи ижод қилишга одатланган шеър турига нисбатан бошқа бир навда мажбурий битилган шеър бўлади. Бу мажбурият ё ички, ё ташқи сабаблар билан бўлади. Аммо шоирнинг энг яхшиси туғма шоир бўлгани саналади.

Сўнгра шоирларнинг шеър ижод қилиш борасидаги аҳволи камолотга етишгани ва етишмагани жиҳатидан турлича бўлади. Бу эса ё ғоя жиҳатидан, ё бўлмаса мавзу жиҳатидан шундай бўлади.

Аммо ғоя жиҳатидан олган тақдиримизда улар шеърга баъзан ёрдам берса ҳам, баъзида унга ёрдам беролмай қолади. Бунга баъзан руҳий (нафсоний) кайфиятлар сабаб бўлади. Шунда ё руҳий кайфиятлар устун келади, ё бўлмаса баъзан ўзи унга муҳтожлигидан тушкунликка учраб, пасайиб кетади.

Аммо бу бобдаги текширишларимиздан мақсад бу масаланинг ипидан-игнасигача синчиклаб аниқлашдан иборат эмас, чунки буларнинг ҳаммаси ахлоқ ва руҳий кайфиятлар тавсифлари ҳамда уларнинг ҳар бирининг инсон руҳига алоҳида таъсири ҳақида битилган китобларда керагича баён қилинган (157-б.).

Аммо мавзу жиҳатдан олган тақдиримизда:

кўпинча бири иккинчисига ўхшайдиган икки нарса ўртасида ўхшашлиги бўлади. Бунда аксар одамларга уларнинг яқинлиги кўриниб туради. Буларда шоирнинг етук ва етукмаслиги ҳақидаги мулоҳаза ўша ўхшатишнинг ҳақиқатга яқин ё узоқлигига боғлиқ бўлади.

Баъзан шунақаси ҳам бўладики, шеър санъатида энг орқада қолган шоир ҳам юқори даражада ажойиб шеър яратиши мумкин, ҳатто бу соҳада билагонлар ҳам унга тенг келадиган нарса (шеър) яратолмаслиги ҳам мумкин. Лекин шуниси ҳам борки, бунга сабаб бахт ва тасодифнинг тўғри келишидан бўлади. Лекин ундай одам (қанчалик ажойиб шеър ёзган бўлмасин) бу ёзган шеъри билан у мулоҳазакор шоир деган номга сазовор бўлолмайди. Ташбиҳ даражалари ўзининг ўхшатишларига кўра турлича бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганимизда ўхшатишнинг яқин ва муносиб бўлмоғи мавзуга ҳам боғлиқ; ё бўлмаса шоирнинг бу санъатдаги маҳоратига ҳам боғлиқ. Ҳатто шу уста шоир бир-биридан узоқ бўлган икки нарсани, мулоҳазаларни орттириш билан бир-бирига мувофиқдек қилиб кўрсата олади. Бу эса шоирлардан яширин бўлмаган ҳоллардандир. Шу жумладан шоирлар А билан Б ни ва Б билан Ж ни бир-бирига ўхшатадилар. Чунки бунда А билан Б ўртасида яқин ва муносиб ҳамда маълум бўлган ўхшашлик бор. Шу билан бирга, яна Б билан Ж ўртасида ҳам яқин, муносиб ҳамда маълум бўлган ўхшашлик бор. Улар сўз маъносини шунга буриб, ҳатто сомиъ — эшитувчи, муншид — ўқиб берувчиларнинг фикр-зикрини,

гарчи улар браси узоқ бўлса ҳам А билан Б ва Б билан Ж ўртасида бўлган ўхшашликдан огоҳлантирмоқчи бўладилар<sup>15</sup>.

Бу санъатда шоирликнинг таълимиши одамда жуда улкан бойлик саналади. Бу худди ҳозирги замондаги<sup>16</sup> баъзи бир шоирлар қилмишига ўхшаб кетади. Улар шундайки, агар бир сўзни шеърдаги байтга қофиядош қилиб қўйиб, олдинги байтда лозим бўлган нарсаларни ёки тасвирлаш ниятида бўлган нарсаларни бита олса, у ҳолда одамда жуда ажойиб ҳузурбахш ҳолат пайдо бўлади.

Биз яна шундай деймиз: бу санъат аҳли билан (уйга) нақш берувчи рассом санъати ўртасида қандайдир муносабат бор. Булар иккаласининг санъатдаги моддаси турли-туман бўлса ҳам, аммо шаклда, яратилиш ва мақсадларда бир-бирига мос келади. Ёки айтايлик, ўша иккала яратилган нарсада, улар шаклларида ва мақсадларида бир-бирига мувозанат, ўхшашлик бор. Бу шундайки, (158-б) шеър санъатини безайдиган нарсалар сўз—мулоҳазалар бўлса, рассомлар санъатини безайдиган нарса—бўқлар саналади. Буларнинг иккови ўртасида фарқ бор, аммо иккаласи ҳам одамлар тасавури ва сезгиларида бир мақсадга—тақлид қилишга йўналган бўлади.

Шоирлар санъати илмини ўрганувчилар фойдаланадиган умумий қонун-қоидалар мана шулардан иборат. Бу қонунларнинг кўпини (илмий нуқтаи назардан) текшириб чиқиб, мулоҳазалар билдириш ҳам мумкин эди, лекин бундай санъат соҳасида илмий текшириш олиб боришдек нарса инсонни санъат-



нинг бир навида бир томонлама мулоҳаза олиб боришга элтиши ҳамда бошқа навлар ва қарашлардан юз ўгиришга олиб келиши мумкин.

Шу сабабдан бу соҳада айтиб ўтган мулоҳазаларимиз унга ўхшаган бирор нарсани ҳал қилиб ҳам беролмайди.

(Шу билан АБУ НАСР МУҲАММАД ибн МУҲАММАД ибн ТАРХОН ал-ФОРОБИЙ ёзган рисола тугади).

## «ШОИРЛАР САНЪАТИ ҚОНУНЛАРИ ҲАҚИДА»ГА ИЗОҲЛАРИ

1. Матнда ал-қавл—сўз маъносида келган. Лекин бу ерда ва бундан кейинги ўринларда ақовил сўзини Форобий «фикр», «мулоҳаза» маъносида ишлатади.

2. Матнда ал-муғолата келган. Бу ерда Форобий Аристотелнинг софистикага оид асарини назарда тутяпти. Аристотелнинг «Софистик раддиялар ҳақида» деган асари бўлган.

3. Матнда «Синоат ал-муғолитийн»—«Чалғитувчилар — софистикаси санъати» сифатида келган. Форобий ўзининг «Фалсафани ўрганишдан олдин нималарни билиш кераклиги ҳақида» деган асарида (Қоҳира, 1907, 61-бет) эслашига қараганда, Аристотелнинг «Синоат ал-муғолитийн» («Софистика санъати») деган асари бўлган. Шунингдек, бу хил асарнинг борлигига арабчага таржима бўлган қадимги софистикага оид «Китоб табкийт ас-суфастойийн» («Софистларнинг руҳий кечинмалари ҳақида китоб») ҳам далил бўла олади.

4. Матнда муҳокия — ўхшаш, акс этиш дегани, истилоҳий маънода тақлид қилишга тўғри келади. Қадимги ҳар бир бадий асаршеър (бу ерда сюжетли шеърни ҳам назар-

да тутиш мумкин) ё ҳикоя, ё драматик асар одатда тўқима бўлмаган, ҳаммаси ҳаёт воқеалари асосида битилган. Шунинг учун ҳаётда кишиларга ўрнатилган ҳар бир ҳодиса, воқеага намуна сифатида қаралиб, буни адабиётда акс этгани — ҳикоя, ё шеър шаклида намоён бўлганига тақлидий адабиёт сифатида қаралган. Тақлидий адабиёт ва санъатда воқеликни чинакам акс эттириш орқали ҳақиқат юзага чиқарилган. Бизда жанр сифатида ишлатиладиган «ҳикоя» сўзи ҳам, аслида тақлид, ўхшатма деган маънога бориб тақалади.

5. Сулужисмус — асли юнонча бўлиб, лугавий маъноси — ҳисоблаш-қиёсни силлогизм деб аташади. Форобий даврида юнонча мантиқ истилоҳлари, фалсафий терминлар арабчага таржима қилиниб ишлатилган. Шу сабабдан Форобий ўз асарларида юнонча истилоҳларни ҳам ишлатади.

6. Матнда нав — кўплиги анво — навлар. Лекин Форобий «нав» — тур терминини кўпроқ ҳозирги адабий истилоҳимизда ишлатиладиган «жанр» сўзи ўрнига ишлатади. Шунга кўра, унинг адабиётда қилган классификацияси ҳам диққатга сазовор. Лекин жанрнинг қадимги даврдаги маъноси билан ҳозиргисининг фарқи тамомила бошқача. «Вазн» ҳам жанр маъносида келган.

7. Матнда бу терминлар юнон тилида ишлатилганича қавс ичидагидай келган.

8. Диақрамма — Бадавий бу сўз маъносини шарҳлашда Марголиусга ҳавола қилиб «адолатли ишлар» деган маънога тўғри келадиган юнон терминини келтиради.

9. Матнда ..... фиюмуто-поэмото — «кичик шеърлар». Бизнинг ҳозирги талаффузимизда «поэма».

10. Афиқий — аввалидаги «алиф»ни «и» ўқисак — «ифиқий»; «э» ўқисак, ҳозирги даврда ҳам ишлатиладиган бизга яқин эфиқий — эпик деган сўз чиқади: бу билан аста-секин эпос шаклига келинган.

11. Эфижоносоус — Артур Арберри бу сўзни амфигенезисдан чиқаради, бунда у «зу кавнайн» — «икки борлиқ эгаси» деган маънога йўяди. Лекин бу талқинни Бадавий маъқулламайди, бу ўринли эмас, дейди.

Бадавийнинг фикрича, бу нав шеър табиатшунослардан чиққан, улар буни табиий илмларни тавсифлаш учун ишлатганлар. Шу боисдан Бадавий бу терминни эфижоносоус — борлиқ ва табиатга тааллуқли ва унгагина хос бўлган нав бўлиши керак, дейди.

12. Ақустиқий — акустика — музика билан эшитиладиган шеър тури.

13. Матнда ал-амсол ва-л-ақовил — мақол ва мулоҳазалар тарзида келган. Бу ерда драмага асос бўладиган нарса мақол эмас, балки масалга айланган воқеа бўлиши керак, «ақовил»ни биз юқорида мулоҳаза деган маънода таржима қилган эдик, лекин бу ерда у маънога мос келмайди. Драмага сюжети асос бўладиган нарса ё афсона, ё чўпчак бўлиши керак, «ақовил»нинг асл маъноси қавллар — гаплар бунга мос тушади. Шу жиҳатдан бу ерда «масал ва нақл» деб олдик.

14. Матнда афъолиҳо-феълларига дейил-

ган. Бу билан Форобий шоирлик фаолияти—шеърий ижодни айтмоқчи бўлса керак.

15. Бу ерда келтирилган ҳарфлар орқали Форобий шеър мисралари ва уларнинг қофиядошлигини айтмоқчи бўлса керак.

16. Форобий замони: яъни X аср назарда тутиляпти.

## ИБН АБИ УСАЙБИА ФОРОБИЙ ҲАҚИДА

Ибн Аби Усайбия ёзади:

Бу кишининг тўла оти Абу Наср Муҳаммад ибн Узлиғ Тархон бўлиб, туғилган шаҳари Форобдир. Бу жой Хуросон ерларидаги турк ўлкасига тегишли бир шаҳар. Унинг отаси қўшин саркардаси, келиб чиқиши форс<sup>1</sup>.

Абу Наср бир қанча вақт Бағдодда бўлади, кейин Шомга<sup>2</sup> кўчади ва то вафот этгунга қадар ўша ерда туриб қолади. Раҳматлик етук файласуфлардан, фозил донишмандлардан эди, ҳикматга оид фанларни мукамал биларди. У риёзий илмларга моҳир, нокиза, йирик аллома, мол-дунё билан иши йўқ, хоксор одам эди; у ўлмас овқатга чидаб турадиган серқаноат киши эди, унинг феъл-атвори худди қадимги файласуфлар одобига ўхшарди.

Абу Наср тиббиётдан ҳам дурустгина хабардор эди. Бу соҳада унинг назарий қисмини яхши биларди. Аммо тибнинг амалий-тажриба қисми ва жузъий бўлакларига келганда, унга чуқур киришолмаган эди.

Сайфуддин Абул-Ҳасан Али ибн Абу Али ал-Омадийнинг<sup>3</sup> менга гапириб беришига қараганда, ал-Форобий Дамашққа дастлаб борган кезларида бир боққа қоровул бўлган

экан. У ўша боғда доимий ҳикмат-фалсафий билимлар билан машғул бўлган экан. Абу Наср бу ерда қадимгиларнинг қарашлари—асарлари ва уларга ёзилган шарҳларни мутолаа қилар экан. У бечораҳол киши бўлиб, ҳатто кечалари ухламай тасниф билан машғул бўлар, ўзининг камбағалчилигидан ўша қоровулчилик учун берилган чироқ нуридан фойдаланар экан.

Бирмунча вақт Абу Наср ўшандай ҳаёт кечиради. Кейин унинг теваракка овозаси кетиб, обрўси ортади, ёзган асарлари ҳам машҳур бўлиб кетади. Шу билан унинг шогирдлари ҳам кўпаяди. Натижада у замонасининг яғонаси, ўз даврининг алломаси даражасига эришади.

Амир Сайфуддавла Абул-Ҳасан Али ибн Абдуллоҳ ибн Ҳамдон ат-Тағлабий у билан ҳамсуҳбат бўлди; унинг билимига қойил қолиб, уни жудаям иззат-икром қилди. Натижада амирнинг Абу Наср иштироки билан бўладиган йиғинларининг қиймати ошди, ўзи ҳам ундан баҳраманд бўлди.

Баъзи машоъихларнинг нақл қилишларига кўра, Абу Наср ал-Форобий уч юз ўттиз саккизинчи йили<sup>4</sup> Мисрга сафар қилган, кейин Дамашққа қайтиб келган ва шу ерда уч юз ўттиз тўққизинчи йили<sup>5</sup> ражаб ойида, Сайфуддавла Али ибн Ҳамдон амирлигида ва ар-Розий<sup>6</sup> халифалиги даврида вафот этган.

Амир Сайфуддавла ўзининг ўн беш нафар амалдор кишилари билан бирга Абу Наср жанозасида ҳозир бўлди<sup>7</sup>. Айтишларига қараганда, Абу Наср қаноатли одам бўлганидан Амир Сайфуддавла ҳурматига сазовор

бўлишига қарамасдан, у кунига тўрт дирҳам кумуш пулдан бўлак ҳеч қайси инъомдан фойдаланмас экан. Уша тўрт дирҳамни маишатига зарур бўлган нарсаларга сарф қилар экан. Ҳатто у, тирикчилик нима бўлади, деб қайғурмас ҳам экан, на уй-жойни ўйлар ва на бирор фойдани кўзлар экан.

Айтишларига қараганда, Абу Наср кўзи юраги ва райҳон шарбати билан овқатланар экан. Абу Насрни дастлабки вақтларда қози бўлган дейишади. Илм-маърифатга чуқурроқ киришгач, у бу ишини ташлаб, бор-будини билим ўрганишга қаратибди, мол-дунё билан ҳеч қизиқмас экан.

Айтишларича, қоровуллик қилиш учун кечаси манзилдан чиқар экан-да, чироғини ёқиб, ўқишга тушар экан. У музика санъатида ҳам билимдон киши экан. Бу соҳада ҳам унинг ишлари жуда маромига етган, у ниҳоятда баркамол, илмда у шу даражага етишган эканки, ундан ошиши мумкин эмас экан.

Айтишларига қараганда, у ажойиб бир музика асбоби ясабди, ана шу асбобдан жудаям гўзал, ёқимли куйлар эшитиш мумкин экан, ҳатто у эшитган одамни жуда ҳаяжонлантириб юборар экан.

Айтишларича, Абу Насрнинг ҳикмат-фалсафани ўқишига бир киши сабаб бўлган экан. Уша киши унга Аристотелнинг бир неча китобини, шу ерда тура турсин, кейин олиб кетаман, деб қўйиб кетгани сабаб бўлган, дейишади. Иттифоқо, Абу Наср кўзи китобларга тушиб, улар кўнглига маъқул бўлиб қолади; уни ўқишга киришади, ҳатто у шундай қилибдики, то ўшани чуқур ту-



шуниб олмагунича қўймабди, натижада чинакам файласуф бўлиб қолган экан.

Абу Наср ал-Фаробийнинг фалсафа сўзи маъноси тўғрисида айтган гапларини келтирадилар. Бу борада у шундай деган экан: фалсафа сўзи юнонча бўлиб, араб тилига четдан кирган сўзлардандир. Бу сўз уларнинг тилларида филосуфо деб айтилади. Унинг луғавий маъноси—ҳикматни ёқтириш демакдир. Бу сўз юнон тилида «фило» билан «сўфиё» сўзларидан таркиб топган. «Фило» деганда ёқтириш, севиш тушунилади: «сўфиё» деганда эса ҳикмат, донолик тушунилади. Файласуф сўзи эса фалсафадан олинган, бу юнонларнинг тилида «филасуфус» дейилади. Бу ўзгариш юнонларда илдиздан бўладиган ўзгариш саналади. Уларнинг тилида бунинг маъноси ҳикматни севиш демакдир. Улар бу иборат билан ҳаётдан ва умр кўришдан мақсад ҳикматни таъкидлашдан иборатдир, дейишади.

Абу Наср ал-Фаробий фалсафанинг пайдо бўлиши ҳақида қуйидагича ҳикоя қилган:

Юнонлар подшоҳлиги даврида фалсафанинг иши юришиб, машҳур бўлиб кетди. Аристотелнинг Искандарияда вафотидан то хотин подшоҳнинг охириги даврида ҳам шундай бўлди.

Аристотель вафот этгач, унинг таълимоти қандай бўлган бўлса, ўша ҳолда қолди ва шу алфозда ўн уч подшоҳлик давригача етиб келди. Бунда фалсафа муаллимларининг ўн иккитаси кетма-кет келди. Буларнинг бири Андрониқус номи билан машҳурдир. Бу подшоҳларнинг энг охиригиси хотин киши бўлиб, унинг устидан Рум подшоси Августус ғалаба

қозонган, маликани ўлдириб, мол-мулкига эга бўлган эди. Вақт-соати келиб подшоҳнинг назари китоб хазиналарига тушган, натижада у бу борада бир қарорга келган, ўша ердан Аристотель китобларининг нусхалари топилган эди, булар ҳаммаси Аристотель замонида ва Теофрастус даврида кўчирилган нусхалар эди. У ерда муаллимлар ва файласуфлар топилиб, улар Аристотель ёзган китобларга ўхшаш маъноли китоблар тузиб чиқдилар, сўнг ўша подшоҳ буйруқ бериб, ўргатиш учун улардан фойдаланиш ниятида Аристотель ва унинг шогирдлари даврида кўчирилган китобларнинг нусхалари кўпайтирилди, қолганларидан эса юз ўгирилди.

Августус бу ишларнинг чорасини кўриб қўйиш, улардан нусха кўчириб ўзи билан бирга Румияга олиб кетишни, бошқа бир кўчирилган нусхасини эса китоблар макони бўлмиш Искандарияда қолдиришни буюриб, бундай ишни бажаришни Андирониқусга юклади. Кейин у Искандарияда Андриониқус ўрнини босадиган бир муаллим топиб қўйишни буюрди. Олим Андриониқус эса Августус билан бирга Румга бориб, у ерда фалсафани ўргата бошлади. Шу билан фалсафа икки ерда — Искандария ва Румда ўрганила бошланди ва бу борадаги иш шу икки ердагина юришди. Аҳвол шу тариқа бўлиб, бу иш то насрония-христиан дини юзага келгунига қадар давом этди. Кейин фалсафани ўргатиш Румияда инқирозга учради, бу иш фақат Искандариядагина қолди. Шу тариқа ҳолат то насронийлар подшоси ўйлаб бир фикрга келгунга қадар давом этди. Сўнг масиҳий усқуф-руҳонийлари йиғилишиб, бу таълимни

бекор қилиш борасида маслаҳат қилишди. Ана шунда буларни тарк қилишдан олдин улар фалсафанинг мантиққа оид китоблардан то вужудия бўлими — охиригача ўргатишни, ундан бошқа қисмларини ўргатмасликни лозим топишди. Чунки улар шундай қилмаса насроний динига зарар етади, деб гумон қилишди. Бу фаннинг ўргатилишга олиб қолдирилган қисмидан диннинг кучайишига фойда тегар, деган умидда бўлишди. Фойдаланишга лойиқ топилган қисми ошкор маълум бўлди, қолган қисми эса узоқ вақтга қадар, ҳатто ислом келгунгача бекиклигича қолиб кетди.

Шундай қилиб фалсафани ўргатиш иши Искандариядан Антокияга кўчи ва бу ерда битта муаллим қолгунга қадар узоқ вақт давом этди. Уша қолган бир муаллимдан бу фанни икки киши ўрганди. Кейин улар иккови китобларни олиб, у ердан чиқиб кетишди. Буларнинг бири Ҳаррон аҳолисидан бўлиб, бошқаси эса Марв аҳлидан эди. Уша марвлик кишидан уни икки киши ўрганди. Уларнинг бири Иброҳим ал-Марвазий<sup>8</sup> эди, иккинчиси Юҳанно ибн Ҳийлон эди. Ҳарронликдан Исроил ал-Усқуф ва Қувайрий иккаласи таълим олишди, кейин улар Бағдодга йўл олдилар. Иброҳим диний ишлар билан шуғулланди, Қувайрий эса таълим ишлари билан шуғулланиб, мударрис бўлиб қолди.

Аммо Юҳанно ибн Ҳийлонга келсак, бу киши ҳам ўз дини билан шуғулланишга тушди. Иброҳим ал-Марвазий Бағдод шаҳрига бориб, ўша ерда туриб қолди. Ал-Марвазийдан эса Матто ибн Юнон ўрганди. Бу қи-

ши ўша вақтларда вужудияга оид масалаларни то охиригача ўргатарди<sup>9</sup>.

Абу Наср ал-Форобий ўзи ҳақида гапириб, Юҳанно ибн Ҳийлондан мантиқ ўрганишга киришиб, унда то бурҳон-исбот қисмининг сўнгигача ўқиди. Бунда вужудия масалаларидан кейинги қисми ўқилмайдиган бўлим деб юритилар экан. Аҳвол шундайлигича, то ўша ўқилмайдиган бўлим ўқиладиган бўлгунга қадар давом этди. Шундан кейин бу одат то мусулмон олимлари қўлига ўтгунга қадар чўзилди. Сўнг аста-секин инсон ўқишга қодир бўладиган еригача вужудия масалалари ўқиладиган бўлди.

Абу Насрнинг айтишига қараганда, у Аристотелнинг «ал-Бурҳон китоби»нинг охиригача мутолаа қилиб чиқди. Менга раҳматли амаким Рашидуддин Абул-Ҳасан Али ибн Халифанинг гапириб беришига қараганда, ал-Форобий амир Сайфуддавла ибн Хамдон даврида унинг даргоҳида уч юз ўттиз тўққизинчи йилнинг<sup>10</sup> ражаб ойида вафот этди. У ўз илмини Бағдодда ал-Муқтадир даврида Юҳанно ибн Ҳийлондан ўрганган эди. Унинг замонида Абу Бишир Матто ибн Юнон деган киши бўлгувчи эди. Бу киши Абу Насрдан ёши каттароқ эди. Абу Наср бўлса зеҳнда ягона, ширинсўз эди. Абу Бишир Матто ўша Иброҳим ал-Марвазийдан мантиқни ўрганди. Абу Бишир бўлса ал-Розий халифалиги даврида уч юз йигирма учинчи билан уч юз йигирма тўққизинчи йил (934—940) орасида вафот этди.

Юҳанно ибн Ҳийлон билан Иброҳим ал-Марвазий иккалови марвлик бир кишидан ўрганган эди.

Шайх Абу Сулаймон Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Баҳром ас-Сижистоний<sup>11</sup> ўзининг таълиқларида уқтиришича, Яҳё ибн Адий<sup>12</sup> шундай хабар берган. У «Исоғучи»<sup>13</sup> китобини Матто насроний динидаги бир одам қўлида ўқиди, категория ва бариманиёсни<sup>14</sup> Рубил деган одамда ўқиди. Қиёс-силлогизмни эса Абу Яҳё ал-Марвазийда ўқиди...

Буни мен—Ибн Аби Усайба айтяпман: тарихда шу нарса борки, ал-Форобий нуқул Абу Бакр ибн Сирож билан учрашиб турар экан. Абу Наср ал-Форобий ундан наҳвни ўрганар, Ибн Сирож бўлса Абу Насрдан мантиқни ўрганар экан. Баъзида ал-Форобий шеър ҳам ёзар экан.

Абу Наср ал-Форобийдан сўрашибди:

— Сиз каттароқ олимми ё Арастуми?

— Агар мен ўша даврда яшаган бўлганимда мен унинг энг катта шогирдларидан бири бўлган бўлардим, — деб жавоб берибди Абу Наср.

Одамларнинг ал-Форобийдан гапиришларига қараганда, у нуқул айтар экан:

— Арастунинг «ас-Симоъ» — «Физика»сини қирқ бор ўқидим, лекин уни яна қайта ўқишим керак...<sup>15</sup>

Форобий шеъри:

Эй борлиқ нарсалар сабабчиси зот,  
Бари файз — нурингдан бўлганди бунёд...  
Қат-қат осмон, ўртададир Ер, денгиз,  
Уларга эгасан, маркази обод.  
Паноҳ истаб келдим, гуноҳкорингман,  
Кечир, кўп хатойим, нуқсоним бод-бод.  
Файзинг айласин раббим, табиат, —  
Унсурлар киридан унсурим озод.

## Абу Наср ёзган бошқа шеърлардан бири:

Кўрдим аҳли замонни боши эгилган андоқ,  
Гапида маъно йўқдир, тили ғализ, тумтароқ.  
Ҳар бошлиқда бир ташвиш; ҳар бошда бор мусибат.  
Шунинг учун уйимдан чиқолмай тоқатим тоқ.  
Номусни асрамоққа узлатдаман, панада,  
Мен иззатимни асраб, қаноат этдим ҳар чоқ.  
Сабр-чидам майини йиғиб қўйдим жомига,  
Кафтимда у нурафшон, мен анга бўлдим ўртоқ.  
Бор давлатим, ичурман, май шиша менга улфат  
Қулт-қулт овози наво, эшитай дейман кўпроқ.  
Бўшаб қолган диёрлар, одамлар сўзларидан  
Мева териб олурман, йўқолмиш йўқса мутлоқ<sup>16</sup>.

## Яна бошқа бир шеъри:

Узоқ юр бўлса ботил, сўзи ёлғон,  
Ҳақиқат тарқатиб кет, бўлса имкон.  
Бўлмади дунё биз учун абад уй,  
Бас келмайин ўлимга ҳеч бир инсон.  
Куррага тушган чизиқлар бизмикан?  
Елса ел сал йўқ бўлурмиз шул замон.  
Шул экан ҳол бу мухолифлик нечун,  
Арзимасга бир-бири бирлан ҳамон?  
Жондан ажралганлик аъломасмукан,  
Айламакдан бунчалик тўс-тўполон?!

## АБУ НАСР АЛ-ФОРОБИЙГА ТЕГИШЛИ КИТОБЛАР РЎЙХАТИ<sup>17</sup>

1. Шарҳ китоб ал-Мажастий ли Батлимус (Птолемейнинг «ал-Мажастий» — «Алмагеста» китобига ёзилган шарҳи).

2. Шарҳ китоб ал-Бурҳон ли Аристутолис (Аристотелнинг «Исбот» — «Иккинчи аналитика» китобига оид шарҳ китоби).

3. Шарҳ китоб — ал-Хитоба ли Аристутолис (Аристотелнинг «Риторика» асарига ёзилган шарҳ китоби).

4. Шарҳ ал-мақола ас-сония ва ас-сомина мин «Китоб ал-жадал» ли Аристутолис (Аристотелнинг «ал-Жадал» — «Диалектика» китобидан иккинчи ва саккизинчи мақолалар шарҳи).

5. Шарҳ китоб ал-Муғолата ли-Аристутолис (Аристотелнинг «Софистика» китобига битилган шарҳ).

6. Шарҳ китоб ал-қиёс ли Аристутолис ва ҳува шарҳ ал-Қабир (Аристотелнинг «Қиёс» — «Биринчи Аналитика» китобига ёзилган шарҳ. Бу катта китоб.).

7. Шарҳ китоб ли Аристутолис ало жиҳат ат-таълиқ (Аристотелнинг риторикага оид «Барминиёс» («Герменевтика» — «ал-Ибора») — «Талқин қилиш» китобига тушунтирув йўсинида битилган шарҳ китоби).

8. Шарҳ китоб ал-мақулот ли Аристутолис ало жиҳат ат-таълиқ (Аристотелнинг категорияларини шарҳлаб ёзилган китоб).

9. Китоб ал-мухтасар ал-қабир фи ал-мантиқ (Мантиққа оид қисқарган катта китоб).

10. Китоб ал-мухтасар ас-сағир фи ал-мантиқ ало тариқа ал-мутакаллимийн (Мантиққа оид мутакаллим — каломчилар йўлида ёзилган қисқарган кичик китоб).

11. Китоб ал-мухтасар ал-авсат фи ал-қиёс (Қиёс-силлогизмга оид ўртача қисқарган китоб).

12. Китоб ат-тавтиа фи ал-мантиқ (Мантиққа кириш тариқасида ёзилган китоб).

13. Шарҳ китоб исоғучи ли Фарфириюс (Парфийнинг «Исоғучи» — «Исогоги» китобига битилган шарҳ китоби). Бунда исоғучининг маъноси ҳақида гап боради.

14. Китоб ал-қиёс ас-сағир (Қиёс — силлогизмга тегишли кичик китоб. Абу Наср ал-Форобийнинг ўз қўли билан ёзилган шу китоби топилган, яъни кўрилган<sup>18</sup>).

15. Иҳсо ал-қазоё ва ал-қиёсот аллати тустаъмал ало ал-улум фи жамъ ас-саноиъ ал қиёсия (Барча масалаларнинг келиб чиқиши ва қиёсий санъатнинг барчасида ишлатиладиган қиёслар ҳақида).

16. Китоб шурут ал-қиёс (Қиёс—силлогизм шартлари ҳақида китоб).

17. Китоб ал-бурҳон (Исбот китоби. Бу китоб Аристотелнинг шу номли асарига ёзилган шарҳми ё ўзи мустақил равишда шу мавзуда ёзган китобми — бизга номаълум).

18. Китоб ал-жадал («Диалектика» китоби).

19. Китоб ал-мавозиъ ал-мунтазиа мин ал-мақола ас-сомина фи ал-жадал (Мантиқдаги жадал-диалектикага оид саккизинчи мақоланинг тортишувли жойларидан сайлаб олинганлари).

20. Китоб ал-муғаллата (Мантиқдаги чалкаштирувчи жойлар ҳақида китоб).

21. Китоб иктисоб ал-муқаддима ва ҳия ал-мусаммот би ал-мавозиъ ва ҳия ат-таҳлил (Мантиққа кириш қисмини ўрганиш, бу эса жойлар номи билан юритилади; жойлар эса таҳлил дегани бўлади).

22. Қалом фи ал-муқаддимот ал-мухталита мин нужудий ва зарурий (Вужудий ва зарурийлардан иборат аралаш муқаддималар ҳақида сўз).

23. Қалом фи ал-хало ли ал-хитоба (Аристотелнинг «Риторика» китобининг бош қисмидаги бўшлиқ ҳақида сўз)<sup>19</sup>.

24. Шарҳ китоб ас-Симоъ ат-табий ли Аристутолис (Аристотелнинг «Табий гармония» — «Физика» китоби ҳақида тушунтирув бериш учун ёзилган шарҳ).

25. Шарҳ китоб ас-Само ва ал-олам ли Аристутолис (Аристотелнинг «Осмон ва олам» асарига таълиқ нуқтан назаридан ёзилган шарҳ китоби).

26. Шарҳ китоб ал-осор ал-улвия ли Аристутолис (Аристотелнинг «Олий-осмон жисмлари ва метеороло-



гия»га оид асарига шарҳ сифатида ёзилган китоб).

27. Шарҳ мақола ал-Искандар ал-Афрудисий фи ан-нафс ало жаҳати таълиқ (Искандар Афродисийнинг Нафс-жон ҳақидаги мақоласига таълиқ нуқтаи назаридан ёзилган шарҳ китоби).

28. Шарҳ садр китоб ал-ахлоқ ли Аристотелис (Аристотелнинг «Этика»сининг бош қисмига ёзилган шарҳ).

29. Китоб ан-навомис (Қонунлар китоби).

30. Китоб ихсоъ ал-улум ва тартибиҳо (Илмлар классификацияси ва улар тартиби ҳақида китоб).

31. Китоб ал-фалсафатайн ли Флутун ва Аристотелис (Платон ва Аристотель фалсафаси ҳақида китоб — бунинг охири тушиб қолган).

32. Китоб ли мадинат ал-фозила ва ал-мадинат ал-жоҳила ва ал-мадинат ал-фосиқа ва ал-мадинат ал-мубаддала ва ал-мадинат аззолла (Фозил, жоҳил, фосиқ, ўзгартирилган ва адашганлар шаҳари ҳақида китоб). Бу китобни ёзишни Абу Наср Бағдодда бошлаб, уни 330 (941) йилнинг охирида ўзи билан бирга Шомга олиб кетган ва Дамашқда 331 (942) йилда тугатган ва уни таҳрир ҳам қилиб чиққан. Таҳрирдан кейин уни бобларга ажратиб чиқди. Шунда баъзи одамлар уша китобнинг маъносига кўра фаслларга ажратишни сўрайди, ал-Форобий 337 (948) йили Мисрда уни фаслларга ажратгач, китоб олти фаслга бўлинди. Ана шу йил китобнинг фаслларга ажратиш йили бўлиб қолди.

33. Китоб мабодий оро ал-мадинат ал-фозила (Фозил шаҳар аҳли қарашларининг асослари ҳақида китоб).

34. Китоб ал-алфоз ва ал-ҳуруф (Лафз — сўзлар ва ҳарфлар ҳақида китоб).

35. Китоб ал-мусиқ ал-кабир (Катта музика китоби)<sup>20</sup>. Бунинг вазир Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Қосим ал-Қархийга бағишлаб таълиф қилган.

36. Китоб фи ихсоъ ал-ийқоъ (Ритмлар классификацияси ҳақида китоб).

37. Калом лаҳу фи ан-нақла музофан ила ал-ийқоъ (Абу Насрнинг ритмга қўшимча қилинган чертиш ҳақида сўзи. Бу 36 рақамли асарга қўшимча бўлса керак)<sup>21</sup>.

38. Калом фи ал-мусиқо (Музика ҳақида сўз).

39. Мухтасар фусул фалсафия мунтазаа мин куту

би ал-фалосифа (Файласуфлар китобидан териб олинган қисқача фалсафий фасллар).

40. Китоб ал-мабодий ал-инсония (Инсониятнинг бошланғичи ҳақида китоб).

41. Китоб ар-радд ало Жолинус ало ғайри маъноҳу (Аристотелнинг баъзи сўзларини бошқа маънода шарҳлагани учун Галенга раддия сифатида ёзилган китоб).

42. Китоб ар-радд ало Ибн ар-Равондий фи адаб ал-жадал (Ибн ар-Ровандийнинг мунозара одоби ҳақида фикрига раддия китоби).

43. Китоб ар-радд ало Яҳё ан-Наҳвий фимо радда биҳи ало Аристутолис (Яҳё Ан-Наҳвийнинг Аристотелга ёзган раддиясига қарши ёзилган раддия китоби).

44. Китоб ар-радд ало ар-Розия фи ал-илм ало-илоҳий (Илоҳиётда ар-Розийга раддия тариқасида ёзилган китоб).

45. Китоб ал-воҳид ва ал-ваҳда (Бир ва бирлик ҳақида китоб).

46. Қалом лаҳу фи ал-ҳаййиз ва ал-миқдор (Абу Насрнинг ҳажм ва миқдор ҳақида сўзи).

47. Китоб фи ал-ақл сағир (Ақл тўғрисида кичик китоб).

48. Китоб фи ал-ақл кабир (Ақл тўғрисида катта китоб).

49. Қалом лаҳу фи маъно исм ал-фалсафа (Фалсафа номининг маъноси ҳақида Абу Наср ал-Форобий сўзи).

50. Китоб ал-мавжудот ал-мутағаййира ал-мавжуд би ал-қалом ат-табийй (Табиатшунослар сўзларида бўлган ўзгарувчан мавжудот ҳақида китоб).

51. Китоб аш-шароит ал-бурҳон (Исботлашиш шартлари ҳақида китоб).

52. Қалом лаҳу фи шарҳ ал-мустағлақ миң масодира ал-мақола ал-увло ва ал-хомиса мин Уқлидус (Абу Насрнинг Эвклиднинг биринчи ва бешинчи мақоласидан олинган қисмининг ноаниқ жойларига ёзилган шарҳи тўғрисида сўзи)<sup>22</sup>.

53. Қалом фи иттифоқ оро Абуқрот ва Афлотун (Буқрот ва Платон қарашларининг бир-бирига тўғри келиши ҳақида сўз).

54. Рисола фи ат-танбиҳ ало асбоб ас-саода (Саодатга эришиш сабаблари кўрсатилган рисола)<sup>23</sup>.

55. Қалом фи жузъ ва мо ло ятажаззаа (Бўлақ ва бўлинмас нарсалар ҳақида сўз).

56. Калом фи исм ал-фалсафа ва сабаб зуҳуриҳо ва асмо ал-мубарризийн фиҳо ва ало ман қараа мин-ҳум (Фалсафа номи, унинг келиб чиқиш сабаблари ва ундан шуҳрат қозонган кишилар номлари ҳамда уларда ўқиган шогирдлар ҳақида сўз)<sup>24</sup>.

57. Калом фи ат-жинн (Жинлар ҳақида сўз).

58. Калом фи ал-жавҳар (Субстанция ҳақида сўз).

59. Китоб ал-фаҳс ал-маданий (Шаҳарларни текшириш ҳақида китоб).

60. Китоб ас-сиёсат ал-мадания ва юърафу бимабодий ал-мавжудот (Шаҳарлар устидан сиёсат юргизиш китоби, у мавжудотнинг бошланиши деб танилган).

61. Калом фи ал-миллат ал-фиқҳ ал-маданий (Халқ ва шаҳарларни бошқариш ҳуқуқи ҳақида сўз).

62. Калом жумиа ақовил ан-наби юширу фиҳи ило синоат ал-мантиқ (Пайғамбарнинг мантиққа ишора қилувчи гапларидан муаллиф (Форобий) тўплаган сўзлар).

63. Китоб фи ал-хитоба кабир, ишрун мужалладан (Риторика ҳақида йигирма жилдлик катта китоб).

64. Рисола фи қуввод ал-жайш (Лашкарбошилар ҳақида рисола).

65. Калом фи ал-маойиш ва ал-ҳуруб (Ҳаёт ва жанглр ҳақида сўз).

66. Китоб фи аот-таъсирот ал-улвия (Олий жисмлар таъсири ҳақида китоб).

67. Мақола фи ал-жиҳа аллатий ясиҳҳу алайҳо ал-қавл би аҳком ан-нужум (Юлдузлар ҳукми билан гапириш дуруст бўладиган жиҳат-томон ҳақида мақола)<sup>25</sup>.

68. Китоб фи ал-фусул ал-мунтазаа ли ал-ижтимоот (Йиғинлар учун териб олинган парча-фасллардан иборат китоб)<sup>26</sup>.

69. Китоб фи ал-ҳиял ва ан-навомис (Ҳийлалар ва қонунлар ҳақида китоб)<sup>27</sup>.

70. Калом лаҳу фи ар-руъё (Туш ҳақида Абу Наср сўзи).

71. Китоб фи синоат ал-китоба (Ёзув санъати ҳақида китоб).

72. Шарҳ китоб ал-бурҳон ли Аристотелис ало тариқ ат-таълиқ амлоҳу ало Иброҳим ибн Адий тилмиз лаҳу би Ҳалаб (Аристотелнинг «Исбот» — «Иккинчи аналитика» китобига ёзилган шарҳ китоби). Бу асарни ал-Форобий Ҳалабдаги шогирди Иброҳим ибн Адий илтимосига кўра унга ёзиб берган.

73. Қалом лаҳу фи ал-илм ал-илоҳий (Абу Насринг илоҳиёт ҳақидаги сўзлари).

74. Шарҳ ал-мавозий ал-мустваълақа мин китоб қотиғуриёс ли Аристутолис ва юърафу би таълиқот ал-ҳавоший (Аристотелнинг «Категория» китобида уч-райдиган айрим чалкаш жойларига шарҳ. Бу «ҳошияларға битилган таълиқот» номи билан машҳур).

75. Қалом фи аъзоъ ал-ҳайвон (Тирик мавжудот аъзолари ҳақида сўз).

76. Китоб мухтасар жамий ал-кутуб ал-мантиқия (Мантиққа оид барча китоблар тўпламидан қисқартириб олинган китоб).

77. Китоб ал-мадҳал ила ал-мантиқ (Мантиққа оид муқаддима китоби).

78. Китоб ат-тавассут байн Аристутолис ва Жолинус (Аристотель ва Гален ўрталарида восита бўладиган китоб).

79. Китоб ғараз ал-мақулот (Категориялардан кутулган мақсадлар ҳақида китоб).

80. Қалом лаҳу фи аш-шеър ва ал-қавофий (Абу Насринг шеър ва қофиялар тўғрисидаги сўзи)<sup>28</sup>.

81. Шарҳ китоб ал-иборат ли Аристутолис ало жиҳат ат-таълиқ (Аристотелнинг «Ибора» китобига ёзилган шарҳ—бу таълиқ нуқтаи назаридан ёзилган).

82. Таолиқ ало китоб ал-қиёс (Аристотелнинг «ал-қиёс» — «Биринчи Аналитика» китобига ёзилган таълиқ—шарҳлари).

83. Китоб фи ал-қувва ал-мутаноҳия ва ғайр ал-мутаноҳия (Чекланган ва чексиз куч ҳақида китоб).

84. Таълиқ лаҳу фи ан-нужум (Абу Насринг юлдузшуносликка оид изоҳлари)<sup>29</sup>.

85. Китоб фи ал-ашё алатий юҳтожу ан тааллама қабл ал-фалсафа (Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги ҳақида китоб).

86. Фусул лаҳу миммо жамааҳу мин калом ал-қудамо (Қадимгиларнинг сўзларидан ал-Фаробийнинг ўзи тўплаган бир қанча парча фасллар).

87. Китоб фи аъроз Аристутолис фи кулли воҳид мин кутибиҳи (Аристотелнинг ёзган китобларининг ҳар бирида у кўзлаган мақсадлар тўғрисида китоб).

88. Китоб ал-мақойис (Ўлчовлар ҳақида китоб).

89. Мухтасар китоб ал-худо (Тўғри йўл кўрсатадиган китоб. Балки «Китоб ал-худо»нинг қисқарганидир).

90. Китоб фи ал-луғот (Луғат — тиллар ҳақида китоб).

91. Китоб фи ал-ижтимоот ал-мадания (Шаҳар йиғинлари ҳақида китоб).

92. Калом фи анна ҳаракат ал-фалак доима (Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида сўз).

93. Калом фимо яслиҳу ан язумма (Ёмонловчини тузатиш ҳақида айтилган сўз).

94. Калом фи ал-маолиқ ва ал-жун ва ғайр золика. (Хурмо, жун (ўсимлиги) ва бошқалар ҳақида сўз).

95. Калом фи лавозим ал-фалсафа (Фалсафага лозим бўлган нарсалар ҳақида сўз).

96. Мақола фи вужуб синоат кимиё ва ар-радд ало ал-мубтилиҳо (Кимё синоатининг зарурлиги ва уни инкор этувчиларга раддия сифатида ёзилган мақола)<sup>30</sup>.

97. Мақола фи ағроз Аристутотлис фи ал-кулли мақола мин китобиҳи ал-мавсум би ал-ҳуруф ва ҳува таҳқиқ ғаразиҳи фи китоб «Мо баъда ат-табиа» (Аристотелнинг «Ҳарфлар» деб аталган китобидан бўлган ҳар бир мақоладан кўзлаган мақсади ҳақида мақола. Бу эса «Метафизика» мақсадлари ҳақида ёзилган тақризлардир)<sup>31</sup>.

98. Китоб фи ад-даовий ал-мансуба ило Аристутотлис мужаррадатан ан баёнотиҳо ва ҳужатиҳо (Фалсафа ҳақида Аристотелга нисбат берилган даъволар ҳақида китоб. Бу даъволар изоҳсиз берилган, далил кўрсатилмаган).

99. Таолиқ фи ал-ҳикма (Ҳикматга тегишли таълиқ — изоҳлар).

100. Калом амло ало соилин саалаҳу ан маъно зот ва маъно жавҳар ва маъно табиа (Табиат ва субстанция ва зотнинг маъноларини сўраган кишига Абу Наср ёзган сўзлар).

101. Китоб жавомиъ ас-сиёсат мухтасар (Сиёсат ҳақида тўпламларнинг қисқача китоби).

102. Китоб бариминиёс ли Аристутотлис (Аристотелнинг «Талқин қилиш») («Герменевтика») асари ҳақида ёзган китоб ё шарҳ бўлиши керак).

103. Китоб уюн ал-масоил ало раъй Аристутотлис ва ҳия миа ва ситтун масъалатан (Аристотелнинг фикрича, юз олтмиш масалани ўз ичига олган масалалар булоғи китоби)<sup>32</sup>.

104. Китоб ал-мадхал ила ал-ҳандаса ал-ваҳмия мухтасаран (Хаёлий ҳандасага муқаддима саналган қисқарган китоб).

105. Жавобот ли масоил суила анҳо ва ҳия сало-

са ва ишрун масъала (Абу Насрдан масалаларни ҳал қилиб бериш учун сўраган саволларга жавоблар. Бу йигирма уч масала)<sup>33</sup>.

106. Китоб асноф ал-ашё ал-басита аллатий тан-қасим илайҳо ал-қазоё фи жамий ас-саноиъ ал-қиёсия (Оддий нарсалар классификацияси ҳақида китоб, қиёсий нарсаларнинг барчаси шу масалаларга бўлинади).

107. Жавомиъ китоб ан-навомис ли флотун (Платоннинг қонунлар ҳақида ёзганларининг тўплами).

108. Қалом мин имлоиҳи ва қад сунла аммо қола Аристутолис фи ал-ҳорри (Иссиқ нарса ҳақида Аристутолис гапидан сўралганда, Форобийнинг ёзиб берган сўзи).

109. Таълиқот аналитиқо ал-увло ли Аристутолис (Аристотелнинг «Биринчи аналитика» китобига ёзилган тушунтирув изоҳлари).

110. Китоб шароит ал-яқин (Ишончли — аниқ билимлар шартлари ҳақида китоб. Бу ҳам мантиқ ҳақида бўлиши керак).

111. Рисола фи моҳият ан-нафс (Нафс—жоннинг моҳияти ҳақида рисола).

112. Китоб Симоъ ат-табий (Аристотелнинг «Табиий гармония»—«Физика» китоби ҳақида ёзилган Абу Насрнинг шарҳ китоби бўлиши керак)<sup>34</sup>.

## ИЗОҲЛАР

1. Араб муаллифлари араб бўлмаганларнинг барисини ажам-форслар деб билганлар. Шунинг учун бу ерда ҳам Форобий аждодини форс деб янглиш айтганлар.

2. Ҳозирги Сурияни қадимда Шом деб аташган. Ҳозир ҳам халқ орасида бу ном ишлатилади: лекин бунда кўпинча Дамашқ шаҳри тушунилади.

3. Ибн ал-Қифтийнинг гапига қараганда, ал-Омадий унинг замондоши. Бу киши 551—631 ҳижрий, 1156—1233 милодий йилларда яшаган. Узи қонуншунос фақиҳ, мутакаллим, мантиқшунос, файласуф бўлган. У тахаллусини олган Омадда туғилиб, Бағдодда яшайди. У Шом, Мисрда бўлган. Дамашқда вафот этган. Дамашқ шаҳри ёнидаги Қасюн тоғи этагига кўмилган.

4. Милодий 949.

5. Милодий 950 йили.

6. Халифа ар-Розий 934 йили тахтга ўтирган.

7. Бу билан муаллиф амир ва унинг аъёнлари Абу Насрни ҳурмат қиларди, демоқчи.

8. Иброҳим ал-Марвазий — 850—920 йиллар орасида яшаган йирик файласуф.

9. Бу ерда «фалсафа сўзи юнонча...» деган олдинроқда учраган жумладан бошлаб, то шу ергача бўлган матн аслида Абу Насрнинг «Фалсафа номи, унинг келиб чиқиш сабаблари» (шу таржимада келган 56 рақамли асар) деган асаридан парча бўлиши керак. Чунки бу ердаги матн мазмуни М. М. Хайруллаев ўзининг «Уйғониш даври ва шарқ мутафаккири» (Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1971, 293—294 бетлар) да келтирилган «Философиянинг маъноси ва келиб чиқиши» рисоласидан» деб берилганига тўғри келади. Лекин уни Хайруллаев қаердан олганлиги китобда кўрсатилмаган.

## ИЗОҲЛАР

1. Араб муаллифлари араб бўлмаганларнинг барисини ажам-форслар деб билганлар. Шунинг учун бу ерда ҳам Форобий аждодини форс деб янглиш айтганлар.

2. Ҳозирги Сурияни қадимда Шом деб аташган. Ҳозир ҳам халқ орасида бу ном ишлатилади: лекин бунда кўпинча Дамашқ шаҳри тушунилади.

3. Ибн ал-Қифтийнинг гапига қараганда, ал-Омадий унинг замондоши. Бу киши 551—631 ҳижрий, 1156—1233 милодий йилларда яшаган. Узи қонуншунос фақиҳ, мутакаллим, мантиқшунос, файласуф бўлган. Уз тахаллусини олган Омадда туғилиб, Бағдодда яшайди. У Шом, Мисрда бўлган. Дамашқда вафот этган. Дамашқ шаҳри ёнидаги Қасюн тоғи этагига кўмилган.

4. Милодий 949.

5. Милодий 950 йили.

6. Халифа дар-Розий 934 йили тахтга ўтирган.

7. Бу билан муаллиф амир ва унинг аъёнлари Абу Насрни ҳурмат қиларди, демоқчи.

8. Иброҳим ал-Марвазий — 850—920 йиллар орасида яшаган йирик файласуф.

9. Бу ерда «фалсафа сўзи юнонча...» деган олдинроқда учраган жумладан бошлаб, то шу ергача бўлган матн аслида Абу Насрнинг «Фалсафа номи, унинг келиб чиқиш сабаблари» (шу таржимада келган 56 рақамли асар) деган асаридан парча бўлиши керак. Чунки бу ердаги матн мазмуни М. М. Хайруллаев ўзининг «Уйғониш даври ва шарқ мутафаккири» (Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1971, 293—294 бетлар)да келтирилган «Философиянинг маъноси ва келиб чиқиши» рисоласидан» деб берилганига тўғри келади. Лекин уни Хайруллаев қаердан олганлиги китобда кўрсатилмаган.



Ибн ал-Қифтийдан қилган таржимамида Абу Наср Форобийнинг мавжуд асарлари ҳақида баъзи бир маълумотларни бериб кетишга ҳаракат қилдик. Аммо мавжуд асарларнинг номлари у ерда берилган асарга мувофиқ келмай, Ибн Аби Усайбидаги Форобий асарларига мувофиқроқ бўлса, бу ерда келтирдик.

Аммо «Фалсафий рисолалар» (Олмаота, 1972) китобида ёзилишича, ҳозир Форобийнинг араб тилида 31 рисоласи топилган, олти асарнинг фақат ўрта асрларда иброний тилига қилинган таржимасигина мавжуд, иккитаси лотин тилидагина етиб келган. Бундан чиқди, ҳозирча Форобийнинг юздан ортиқ асарлари рўйхати бўлса-да, бизга маълуми 39 тагина холос. (Ўша китоб, 378-бет.) М. М. Хайруллаев ўзининг 1973 йили ўзбек тилида нашр этилган «Форобий» асарида (117—124-бетлар) Абу Насрнинг 119 та асари номини келтирган. 1967 йили «Фан» нашриётида рус тилида нашр этган «Форобий дунёқараши ва унинг фалсафа тарихида аҳамияти» китобида файласуф асарлари сони 80 дан 130 орасида деб кўрсатилган (ўша асар, 160-бет). Шу китобда яна кўрсатилишича, турк олими Аҳмад Оташ Форобийнинг 160 та асарлари рўйхатини келтирган. Унда Туркия кутубхоналарида сақланган китоблар ҳам ҳисобга олинган (ўша китоб, 160-бет).

18. Бу ерда муаллиф шу китобни ўз кўзи билан кўрганини ёзипти ё бўлмаса у ишонган манба муаллифи уни кўрганини ёзган — Ибн Аби Усайба шунга ҳавола қиляпти.

19. Форобийнинг «Рисола фи ал-хало» деган асари Анқара (Туркия)да 1950 йили босилган. 1951 йили туркчаси инглизча таржимаси билан биргаликда босилган. Арабча матн, 16-бет.

20. Бу асардан бир парча М. Хайруллаевнинг «Форобий» китобида ўзбек тилида (1963, 242 — 251-бетлар) босилган.

21. М. М. Хайруллаевнинг 1963 йилда нашр этилган «Форобий» китобида (176-б.) асар номидаги «ан-нақла» сўзи ўрнига «ан-нақра» келган. Балки бу тўғридир, чунки «нақра»да «чертиш» маъноси бор. Шунга кўра биз асар номини ўшандай таржима қилдик. Аммо бунда шунини назарда тутиш керакки, асарнинг мазмуни билан танишмай туриб, китоб номини тасаввурга келиши мумкин бўлган йўсинда таржима қилдик, холос. Бу асар М. Хайруллаевда «Ритмга қўшимча қилинадиган силжишлар ҳақида китоб» шаклида келган (ўша асар, 176-б.).

22. Олмаотада 1972 йили чиққан Форобийнинг «Математик рисодалари» ичида бу асарнинг русча таржимаси берилган (ўша тўпلام, 233—276-бетлар), аммо таржима қилинган асарнинг арабча номида «шарҳ» дейилган. Ушбу рўйхатдаги номда эса шарҳга алоқадор сўзлар дейилган. Ҳар қалай, таржима шу асарга тааллуқли.

23. Бу асар Олмаотада 1973 йили рус тилида нашр этилган этик рисодалар ичида (3—44-бетлар) мавжуд.

24. Ушбу таржимаи ҳолда Ибн Аби Усайбиа фалсафанинг маъноси ҳақида Форобийнинг асаридан парча келтирган. Бундан ташқари М. Хайруллаевнинг «Уйғониш даври» (Тошкент, 1971, 293—294-б.) китобида шундай парча келтирилган.

25. 1907 йили Қоҳирада чиққан тўпلامда (76—89-бетлар) Форобийнинг «Ан-нукат фимо ясиҳҳу ва мо ло ясиҳҳу фи аҳком ан-нужум» асари босилган. (Олмаотада 1972 йили нашр этилган «Математик рисодалари» китобида шунга ўхшаган бир асар босилган, лекин унинг мазмуни бутунлай бошқача.

26. Ултириш ва йиғилишларда ўқиладиган сайланма парчалар бўлса керак.

27. Бу асар 29-рақамдаги «Қонунлар» китобидан бир бўлакми ё мустақил бир асарми, номаълум. Аммо ибн ал-Қифтийда «ал-Ҳиял» ва «ан-Навомис» деб аталган икки асар сифатида келган.

28. Форобийнинг бу асари ҳозирча номаълум; бордию номи ўзгарган бўлса, таржимаси бу ерда берилган рисодаларнинг бири бўлиши керак.

29. Олмаотада 1972 йили рус тилида нашр этилган «Математик рисодалар» (277—321-бетлар) деган китобда Форобийнинг «Рисола фимо ясиҳҳу ва мо ло ясиҳҳу мин аҳком ан-нужум» («Юлдузларнинг тўғри ва нотўғри ҳукмлари ҳақида рисола») деган асарининг русча таржимаси берилган.

30. Туркияда Анқара университетининг тарих-жуғрофия факультети нашр этган бюллетенда (XV серия, № 5, биз кўрган фотокопияда босилган йили йўқ экан) Форобийнинг «Фи вужуб синоат ал-кимё» асари сўзбоши ва туркча таржимаси билан арабча матни нашр этилган, 75—79-бетлар. Ҳақиқатда нашр этилган асар мана шу рақамда кўрсатилган китоб номи билан келган мақола бўлиши керак.

31. Бу асар Абу Наср ал-Форобийнинг Аристотель қаламига мансуб бўлган «Метафизика» китобига ёзган

тахқиқларининг бир қисми бўлса керак. Ибн Сино ўз таржиман ҳолида у Аристотелнинг «Метафизика» китобини қайта-қайта ўқиб тушунолмай, хуноб бўлиб юрганида унга Форобийнинг шу асарга шарҳ тариқасида «ёзган «Метафизика мақсадлари» китоби топилиб қолганини, ундан кўп баҳраманд бўлганини ёзган эди. Бу ўша асарнинг бир қисми бўлиши керак. 1907 йили «ал-Мажмуъ» тўпламида «Китоб ал-ибона ан-ғараз Аристотелис фи китоб мо баъда ат-табиа» — «Аристотелнинг «Метафизика» китобидан қузатган мақсади ҳақида тушунтирув китоби» (40—44-бетлар) нашр қилинган. Бу рисола ўша «Метафизика» асарига ёзилган шарҳдан парча бўлиши керак.

32. Форобийнинг асарлари босилган «ал-Мажмуъ» (1907, Қоҳира) тўпламида «Уюн ал-масоил» — «Масалалар булоғи» (65 — 75-бетлар) асари ҳам нашр этилган. Афтидан ўша асар бу ердаги китоб номига тўғри келади.

33. 1907 йил Қоҳирада нашр қилинган «ал-Мажмуъ» тўпламида «Масоил мутафарриқа суила анҳо ал-ҳаким» — «Ҳаким Абу Насрдан сўралган турли-туман саволлар» (бунинг бошқача номи «Масоил ал-фалсафия ва ажвиба анҳо» — «Фалсафий масалалар ва унга жавоблар») деган асари нашр этилган (ўша тўплам, 90—114-бетлар).

34. Туркияда Анқара университети Тарих-жуғрофия факультети бюллетенида (С. XV, № 6, йили номаълум) сўзбоши, туркча таржимаси ва арабча матни (103—122-бетлар) билан «Китоб мақолот ар-рафия фи усул илм ат-табиа» — «Табиат илмининг усули ҳақида юксак мақолалар китоби» деган асар босилган. Мавзу жиҳатдан у шу рақамдаги асарга яқин кўринади.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима . . . . .	3
Муаллими соний . . . . .	7
Шеър китоби . . . . .	13
«Шеър китоби»га изоҳлар . . . . .	<b>22</b>
Шоирлар санъати қонунлари ҳақида . . . . .	27
«Шоирлар санъати қонунлари ҳақида»га изоҳлар . . . . .	41
Ибн Аби Усайба Форобий ҳақида . . . . .	45
Абу Наср ал-Форобийга тегишли китоблар рўйхати	54
Изоҳлар . . . . .	62

*На узбекском языке*

**Абу Наср Форобий**

**«О ПОЭЗИИ»**

Редактор *Ҳ. Пўлатов*. Рассом *А. Қива*. Расмлар редактори *А. Бобров*. Техн. редактор *У. Қим*. Корректор *М. Абдусаломова*

ИБ № 742

Босмахонага берилди 06. 10. 78. Босишга рухсат этилди 19. 02. 79. Формати 70x90. 1|32. Босма л. 2 125. Шартли босма л. 2,49. Нащр. л. 2 6. Тиражи 5000. Рафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 78—78.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Бекобод шаҳар босмахонасида № 1 қўғозга босилди. Бекобод, 1979 йил. Заказ № 161, Баҳоси 15 т.

15 т.

